БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

42-йил чиқиши № 12 (11.458). | 15 январь, жума, 1960 йил. | Баҳоси 30 тийин.

Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошира бориб, социал тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашининг ленинча принципига амал қилиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги таклифда баён этилган конкрет тадбирларни қадам-бақадам амалга оширмоқда.

ҚУРОЛСИЗЛАНИШ — ТИНЧЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДА ДЎСТЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДИР

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВнинг СССР Олий Совети сессиясида қилган доклади

Депутат ўртоқлар!

СССР Олий Советининг ўтган сессиясида Халқаро аҳвол ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисидаги докладда Совет ҳукуматининг халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик ишини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим тадбирлари баён этилган эди.

Совет ҳукуматининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритган таклифларини жаҳоннинг барча мамлакатларидаги халқлар чуқур мамнуният билан кутиб олдилар. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш идеясини БМТ Бош Ассамблеяси якдиллик билан маъқуллади.

Олий Советнинг жаҳондаги барча мамлакатлар парламентларига қарата қабул қилган мурожаати социалистик мамлакатларнинг парламентлари ва ҳукуматлари томонидан, ер юзининг ҳамма қитъаларидаги турли давлатлар парламентларининг кўпгина аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

Совет ҳукумати тинчликсевар ташқи сиёсатни изчиллик билан амалга ошира бориб, социал тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашининг ленинча принципига амал қилиб, ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги таклифда баён этилган конкрет тадбирларни қадам-бақадам амалга оширмоқда.

Министрлар Совети ва Коммунистик партия Марказий Комитети мамлакатимизда қуролли кучларни камайтириш юзасидан янги конкрет таклифларни Олий Советнинг ушбу сессияси муҳокамасига киритишга қарор қилдилар.

Бу таклифларни баён этишга киришишдан олдин ички аҳволимизга, халқаро ҳаётга ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатига доир баъзи масалаларга тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Коммунизм қурилишида улуғ ғалабалар йили

Депутат ўртоқлар! Яқиндагина тугаган 1959 йил мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдиришнинг биринчи йили бўлиб тарихга киради. Совет Иттифоқи халқлари коммунизм қуришнинг КПСС XXI съездида қабул қилинган улуғвор программасини амалга ошира бориб, мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ва маданий савиясини оширишда янги буюк муваффақиятларга эришдилар. Ўтган йил совет ижтимоий ва давлат тузуми тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланган, социалистик демократия янада ривожланган, Коммунистик партиянинг ташкилотчилик ва тарбиявий роли ўсган йил бўлди. У бутун дунёда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга, халқаро муносабатлардаги кескинликни юмшатишга ва жаҳон социалистик системасини янада кўпроқ мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсатимиз янги муваффақиятларга эришган йил бўлди.

Совет кишилари, чет эллардаги дўстларимиз, воқеаларга хушёрлик билан баҳо бера оладиган ҳамма кишилар 1959 йил коммунизм қурилишида янги буюк ғалабалар келтирган йил бўлди, деб тамомила ҳақли равишда ҳисобламоқдалар. 1959 йил тинчликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган асосий халқаро проблемаларни ҳал этиш учун кенг ва равшан истиқбол очиб берди.

Халқнинг шундай бир ҳикматли сўзи бор: яхши бошланган иш юришиб кета беради. Биз етти йиллигимизни яхши бошлаб юбордик. Бутун мамлакатда етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобака кенг авж олди. Умумхалқ меҳнати ажойиб натижалар берди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бир йил ичида планда белгиланган 7,7 процент ўрнига 11 процентдан зиёд кўпайди. Пландан ташқари қарийб 50 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу муваффақиятнинг аҳамиятини равшанроқ тасаввур қилиш учун шуни айтиш керакки, революцияга қадар Россияда бутун саноат маҳсулотининг қиммати ҳозирги нархларда ҳисоблаганда, шу миқдордан камроқ эди.

Экономикамизни ривожлантиришда оғир индустрияни устун даражада ўстиришга қаратилган ленинча йўл аввалгидек оғишмай амалга оширилди. Ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш бир йил ичида планда белгиланган 8,1 процент ўрнига 12 процент кўпайди. Қора ва рангли металлар, кўмир, нефть, газ, электр энергияси, кимёвий моддалар, бинокорлик материаллари, машина ва ускуналар ишлаб чиқариш анча кўпайди. Масалан, планга мувофиқ, пўлат эритишни 1958 йилдагига нисбатан 4,1 миллион тонна кўпайтириш кўзда тутилган эди, ҳақиқатда эса пўлат эритиш 5 миллион тонна кўпайтирилди. Кўмир чиқаришни 6,1 миллион тонна кўпайтириш мўлжалланган эди, ҳақиқатда эса 10,4 миллион тонна кўпроқ чиқарилди. Нефтни 14,5 миллион тонна кўпроқ чиқариш мўлжалланган эди, ҳақиқатда эса бир йиллик ўсиш 16,3 миллион тоннани ташкил этди. Электр энергияси ишлаб чиқариш бундан олдинги йилдагига нисбатан планда белгиланган 22,4 миллиард киловатт-соат ўрнига 28,6 миллиард киловатт-соат кўпайди. Олдинги йилдагига нисбатан 91 минг тонна кўпроқ қоғоз ишлаб чиқарилди.

Етти йиллик планни тузганда биз бу планни бажариш вақтида ортиқча зўр келмаслигини, халқ хўжалиги кенгашларининг, корхоналар, партия, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларининг, меҳнаткашлар кенг оммасининг резервларни қидиришдаги, ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланишдаги, ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишдаги, уларнинг етти йиллик план топшириқларини ошириб бажариш учун курашдаги ташаббусини бўғиб қўймасликни назарда тутиб иш кўрдик. Ана шу мўлжаллар тамомила тўғри бўлиб чиқди. Етти йиллик планнинг муддатидан илгари амалга оширилишини, унинг кўрсаткичлари анча ошириб бажарилишини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати муваффақиятли ривожланмоқда. 1958 йилдагига нисбатан 346 миллион квадратметр кўпроқ газлама, 44 миллион дона кўпроқ устки ва ички кийим трикотажи, 33 миллион жуфт кўпроқ чарм пойафзал, 576 минг тонна кўпроқ қанд ишлаб чиқарилди. Планга мувофиқ, истеъмол буюмлари саноат ишлаб чиқаришини умуман 6,6 процент кўпайтириш белгиланган бўлса, ҳақиқатда эса 10,3 процент кўпайтирилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг эришган ғалабалари бутун халқни қувонтирмоқда ва ҳаққоний равишда фахрлантирмоқда. Коммунистик партия Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган Пленуми етти йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш якунларини муҳокама қилди ҳамда унинг барча энг муҳим тармоқларини янада юксалтириш тадбирларини белгилади. Мамлакатнинг бир қанча районларида рўй берган қурғоқчилик натижасида 1959 йилда дон экинларининг ялпи ҳосили ҳосилдорлик жиҳатидан рекорд йил бўлган 1958 йилдагига нисбатан камроқ бўлди. Шунга қарамай, давлат йўли билан 2 миллиард 846 миллион пуд ғалла харид қилинди, бу эса аҳолининг эҳтиёжларини ва давлатнинг бошқа эҳтиёжларини қондиради. Қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилган районлар мамлакатнинг ғалла балансида айниқса муҳим роль ўйнади. Бу районларда 1959 йилда бир миллиард 693 миллион пуд ғалла, яъни қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилишига қадар бу районларда харид қилинганига нисбатан бир миллиард пуддан ҳам кўпроқ миқдорда ғалла харид қилинди.

1959 йилда пахта етиштиришда катта муваффақиятларга эришилди.

Чорвачиликда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. 1959 йилда 1958 йилдагига нисбатан 1,9 миллион тонна кўпроқ чорва моллар ва парранда, 2,9 миллион тонна кўпроқ сут, 1,1 миллиард дона кўпроқ тухум ва 38 минг тонна кўпроқ жун харид қилинди. Агар 1953 йил билан таққос қиладиган бўлсак, гўшт 2,1 баравар, сут қарийб 2,4 баравар, тухум 2,2 баравар ва жун 1,8 баравар кўпроқ харид қилинган.

Ялпи ва товар маҳсулотнинг ўсиши билан бирга мамлакатда чорва моллар ҳам кўпайиб борди. Совхоз ва колхозларда қорамоллар 18 процент, шу жумладан сигирлар 14 процент кўпайди; чўчқалар 17 процент, қўйлар 6 процент, паррандалар 26 процент кўпайди.

КПСС XXI съездининг қарорларини ҳамда Марказий Комитетнинг яқинда бўлиб ўтган Пленуми белгилаб берган тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги барча тармоқларининг янада кўпроқ юксалишини ҳамда мамлакатда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўл бўлишини таъминлайди.

Капитал қурилиш соҳасида етти йиллик планда белгиланган улуғвор программани амалга оширишга киришилди. Ўтган йили бир мингдан ортиқ янги йирик давлат саноат корхоналари ишга туширилди, шунингдек ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш, кенгайтириш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ҳисобига янги ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Давлат ва кооператив ташкилотлари сарфлаган капитал маблағлар ҳажми (колхозлар сарфлаган капитал маблағларни хисобламаганда) 275 миллиард сўмни ташкил этди. Бу эса 1958 йилдагига қараганда 30 миллиард сўм кўпроқдир.

Шундай иш программасини бажармоқ учун кўп жамғармалар керак бўлди, бу жамғармалар эса, аввало, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, таннархининг камайишига, корхоналар рентабеллигининг ўсишига боғлиқдир. Бу соҳада ҳам етти йиллик топшириқлари ошириб бажарилаётир. 1959 йилги планда меҳнат унумдорлигини саноатда 5,4 процент ва қурилишда 8 процент ошириш кўзда тутилган эди; ҳақиқатда меҳнат унумдорлиги саноатда 7,4 процент ва қурилишда 9 процент оширилди. Саноат маҳсулотининг таннархини камайтириш плани ошириб бажарилди. Маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан пландан ташқари тежалган маблағнинг ўзигина 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлди. Ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш натижасида мамлакат саноати бундан олдинги йилдагига нисбатан 20 процентдан ҳам кўпроқ ва планда белгиланганидан анча ортиқ фойда олди. Социалистик хўжаликда фойданинг ўсиши — катта иш, чунки бизда олинган фойда монополиячиларнинг чўнтагига тушмайди, балки бутун халқ манфаатларига, жамиятнинг бахт-саодати йўлида сарфланади.

Меҳнаткашлар турмуш даражасининг тобора ўсишини таъминлаш — етти йиллик планнинг энг муҳим вазифаларидан биридир. Социалистик мамлакатда халқнинг моддий фаровонлиги миллий даромаднинг ўсишига боғлиқдир. 1959 йилда миллий даромад бундан олдинги йилдагига нисбатан 8 процент ёки тахминан 100 миллиард сўм ўсди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати 1959 йилда халқнинг моддий фаровонлигини юксалтиришга ва унинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган бир қанча катта тадбирларни амалга оширдилар. Ўтган йилнинг охирига келиб, 13 миллиондан ортиқ ишчи ва хизматчилар қисқартирилган етти соатлик ва олти соатлик иш кунига кўчирилди, бу йилнинг охиригача мамлакатдаги ҳамма ишчи ва хизматчилар қисқартирилган иш кунига кўчирилиб бўлади. Капиталистик мамлакатларда иш кунининг ва иш ҳафтасининг қисқартирилиши ишчи ва хизматчилар иш ҳақининг камайишига олиб келса, бизда иш куни қисқартирилгани ҳолда иш ҳақи камаймайди, балки саноатнинг бир қанча тармоқларида, айниқса кам ҳақ олиб келган ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи анча ошди ҳам.

Маълумки, совет кишиларининг моддий ва маданий таъминоти бевосита иш ҳақига ва колхозда бериладиган меҳнат ҳақига қарабгина белгиланмайди. Бизда меҳнаткашларга ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳисобига халқ фаровонлигини оширишнинг фақат социалистик жамиятда мумкин бўлган бошқа йўли ҳам бор. Социал страхование тўловлари, пенсия, стипендия, текин ўқитиш ва даволаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа турлари учун давлат харажатлари 1958 йилдаги 215 миллиард сўмдан 1959 йилда 230 миллиард сўмгача кўпайди.

Ўтган йил ичида жами 80 миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жойлар ёки 2 миллион 200 мингдан кўпроқ яхши квартиралар қурилди. Бундан ташқари, колхозчилар ва қишлоқ интеллигенцияси 850 мингга яқин уй қуриб олдилар. Бунинг маъноси, уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондириш соҳасида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган вазифа муваффақиятли бажарилаётир демакдир.

Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпайиши асосида халқ истеъмоли ўсиб бормоқда. Давлат ва кооператив савдосида аҳолининг хариди бир йил ичида 8 процент кўпайди, аҳолига озиқ-овқат маҳсулотлари, пойафзал, кийим-кечак, маданий ва рўзғор буюмлари сотиш анча кенгайтирилди.

Меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг тобора юксалиши, соғлиқни сақлаш ва медицина хизмати кўрсатишнинг яхшиланиши мамлакат аҳолиси сонининг ўсишига яхши таъсир кўрсатмоқда. Совет Иттифоқининг аҳолиси бир йил ичида 3 миллион 660 минг киши кўпайди ва 1960 йилнинг бошида икки юз ўн икки миллион кишидан ортиқ бўлди.

Совет Иттифоқининг халқ маорифи соҳасидаги, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги буюк ютуқларини бутун дунё тан олмоқда. Ўтган йил ўтказилган аҳоли рўйхати вақтида қизиқарли маълумотлар олинди. Мамлакатда олий маълумотли, тўлиқсиз олий ва махсус ўрта маълумотли 13,4 миллион киши; тўлиқ ўрта мактабни ва етти йиллик мактабни битириб чиққан 45,3 миллион киши бор. Агар 1939 йилда ҳар 1000 кишига тўлиқ олий маълумотли 6 киши ва ўрта маълумотли 77 киши тўғри келган бўлса, 1959 йилда тўлиқ олий маълумотли 18 киши ва ўрта маълумотли 263 киши тўғри келди. Шуни айтиб ўтиш қувончли бир ҳолдирки, олий маълумотли кишиларнинг 49 процентини ва ўрта маълумотли кишиларнинг 53 процентини хотин-қизлар ташкил этади.

Ўтмишда қолоқ бўлиб келган республикаларда олий ва ўрта маълумотли кишиларнинг сони анча кўпайди. Масалан, кейинги йигирма йил ичида Ўзбекистон ССРда олий маълумотли кишиларнинг сони ҳар 1000 кишига хисоблаганда 3 кишидан 13 кишигача, ўрта маълумотлиларнинг сони эса 39 кишидан 234 кишигача; Қозоғистон ССРда олий маълумотлилар 5 кишидан 12 кишигача ва ўрта маълумотлилар 60 кишидан 239 кишигача; Тожикистон ССРда олий маълумотлилар 2 кишидан 10 кишигача ва ўрта маълумотлилар 27 кишидан 214 кишигача; Туркманистон ССРда — 3 кишидан 13 кишигача ва 46 кишидан 256 кишигача; Озарбайжон ССРда — 7 кишидан 21 кишигача ва 73 кишидан 261 кишигача; Белоруссия ССРда олий маълумотлилар сони ҳар 1000 кишига хисоблаганда 4 кишидан 12 кишигача ва ўрта маълумотлилар 67 кишидан 225 кишигача кўпайди. Бу рақамлар совет социалистик республикаларида маданият равнақининг, миллий кадрлар ўсишининг, ленинча миллий сиёсат тантанасининг ёркин далилидир.

Коммунистик партия ва Совет давлати халқ хўжалигининг, фан ва маданиятнинг ҳамма тармоклари учун юқори малакали кадрлар тайёрлашга катта эътибор бермоқдалар. СССРнинг олий ўқув юртларида ўқиётган студентларнинг сони Англия, Франция, Германия Федератив Республикаси ва Италияни бирга қўшиб олганда, улардаги студентларнинг сонидан қарийб тўрт баравар кўпроқдир. Инженерлар тайёрлаш жиҳатидан СССР Америка Қўшма Штатларидан аллақачон ўзиб кетди; 1958 йилда СССРда 94 минг, АҚШда эса фақат 35 минг инженер тайёрлаб чиқарилди. СССРда 300 минг кишидан ортиқ илмий ходим бор, бу эса революциядан аввалги Россиядагига нисбатан 30 баравар кўпроқдир.

Социализм халқ оммасига билим олиш йўлини, маданият йўлини очиб бермоқда, унинг капитализм олдидаги буюк устунликларидан бири ҳам ана шундадир. Халқ маорифининг бошланғич мактабдан тортиб олий мактабга қадар текин бўлган ва фақат социалистик шароитдагина, мумкин бўлган кенг системаси бизнинг мамлакатимизда техника тараққиёти ва фаннинг равнақи учун яхши база бўлмоқда. Совет халқи фан ютуқлари билан ҳақли суратда фахрланмоқда.

1959 йил космосга йўл очиб берган, унинг сирларини бутун инсоният фойдасига билиб олиш йўлини очиб берган совет олимларининг бутун дунё тан олган буюк, янги илмий ютуқлари билан нишонланди. Ўтган йил Совет Иттифоқидан Ой томонига учирилган ракета Қуёш системасининг биринчи сунъий планетаси бўлиб қолди, иккинчи совет ракетаси коинот тарихида биринчи марта бизга энг яқин турган осмон жисмининг сиртига етиб борди ва мамлакатимизнинг давлат вимпелини Ойга олиб чиқди, учинчи совет ракетаси Ойнинг шу вақттача Ердан кўринмайдиган орқа томонини суратга олиш имкониятини берди. Бу ютуқлар жаҳон фани ва техникасила янги давр бошлаб беради.

Ўтган йил жаҳонда биринчи «Ленин» атом музёрари ишга туширилди. Бу музёрар Арктикада кемаларимизнинг бутун йил давомида бемалол сузиши учун кенг имконият туғдиради. Бизнинг атом электростанцияларимиз, медицина радиоактив элементларни қўлланиш сингари «Ленин» музёрари ҳам жаҳон жамоатчилиги назарида Совет Иттифоқининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланаётганлигини кўрсатувчи ёркин мисолдир.

Совет халқи халқ хўжалиги асосларининг асоси бўлган биринчи даражали ўз индустриясини вужудга келтириш учун кўп меҳнат сарф қилди. Бу мақсадга эришиш йўлида у баъзан ўзини энг зарур нарсалардан маҳрум қилди, ҳеч қандай қийинчиликлар олдида тўхтаб қолмади, сарф қилган кучларини қисобламади. Талантли рус шоири В. Брюсов бундай деган эди: «Терлаб-пишиб ишлагил, ишлагил астойдил, Эл нинг бахт-саодати ҳамиша меҳнатдадир!» Совет халқи худди ана шундай ишлади ҳам. Совет кишилари қаҳрамонона меҳнатининг ажойиб натижаларини эндиликда ҳамма кўриб турибди. Мамлакатимиз ҳозир қудратли ишлаб чиқариш-техника базасига ҳамда илғор техника асосида замонавий саноатнинг ҳамма турларини ривожлантириш учун олимлар, мутахассислар ва юқори малакали ишчиларнинг ажойиб кадрларига эгадир.

Совет Иттифоқи тинчлик мақсадларида атом электростанциялари қурилишини биринчи бўлиб бошлади ва муваффақиятли равишда ривожлантирмоқда. Бизнинг қитъалараро пассажир самолётлари қуришдаги муваффақиятларимиз ҳаммага маълум. Совет учувчилари кейинги вақтда тез ва баланд учишда бир қанча янги жаҳон рекордлари қўйдилар. Биз турли типдаги қитъалараро баллистик ракеталар яратишда ва кўплаб ишлаб чиқаришда бошқа мамлакатлардан бир неча йил ўзиб кетдик. Электрон техника ҳамда мураккаб ҳисоб ва бошқарув машиналарини яратиш ҳозирги шароитда катта аҳамиятга эга; бу соҳада биз жиддий ютуқларга эгамиз ва ҳозирги замон техникасининг бу муҳим соҳасини янада тез тараққий эттириш учун кенг имкониятлар вужудга келтирилди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққиётини жадаллаштириш соҳасида партия томонидан қўйилган вазифаларни амалга ошириш натижасида саноатда ва қурилишда ишлаб чиқаришнинг поток методларини қўлланиш анча кенгайтирилди, механизациялаш, айниқса оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш даражаси оширилди. Саноат корхоналарида, қурилиш индустриясида ва транспортда кўпгина ишлаб чиқариш операцияларини автоматлаш кенг кўламларда амалга оширилмоқда. Эндиликда бизда айрим ишлаб чиқариш операцияларини автоматлашдан тамомила автоматлаштирилган технология процессларини, цех ва корхоналарни барпо этишга ўтиш, вақти келганда эса бутун саноатни автоматлашган ишлаб чиқаришга ва ишлаб чиқариш процессларини автоматик бошқаришга кўчириш вазифасини амалда ҳал этмоқ учун ҳамма шарт-шароит мавжуд.

Капиталистик мамлакатларда ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ишсизликни кўпайтиради ва шу билан меҳнаткашларга қашшоқлик ва фалокат келтиради, социалистик хўжалик шароитида эса автоматизация ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат шароити мислсиз даражада енгиллаштирилган ҳамда иш кунини қисқартирилган ҳолда ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш ва халқ бойлигини кўпайтириш учун чексиз имкониятлар туғдиради.

Совет Иттифоқининг иқтисодий ривожланиш ва техника тараққиёти йўлидан тез суръатлар билан олга бораётганлигига социализмнинг энг ашаддий душманлари ҳам эндиликда шубҳа қилолмайдилар. Мамлакатимизнинг экономикани, фан ва техникани ривожлантиришдаги буюк муваффақиятларини эндиликда ҳатто улар инкор қилолмайдилар.

Саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимизнинг кейинги йилларидаги ривожланиш кўрсаткичлари аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олиш ва ундан ўзиб кетиш соҳасида партия илгари сурган вазифа муваффақиятли ҳал этилаётганлигини кўрсатиб турибди.

Қуйида 1959 йилда СССР ва АҚШда саноат маҳсулотининг 1953 йилдагига нисбатан ўсиши ҳақида таққос қилинган маълумотлар келтирилади (процент ҳисобида):

	СССР	АҚШ
Бутун саноат маҳсулоти	90 процент ўсди	11 процент ўсди
Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда		
Чўян	71 процент ўсди	0,3 процент ўсди
Пўлат	57 процент ўсди	16 процент камайди
Кўмир	57 процент ўсди	16 процент камайди
Нефть	58 процент ўсди	12 процент камайди
Электр қуввати	145 процент ўсди	9 процент ўсди
Цемент	143 процент ўсди	24 процент ўсди

Шу маълумотлар Совет ҳокимияти ўрнатилгандан бери ўтган бутун даврда бўлганидек, кейинги олти йил ичида ҳам мамлакатимиз саноатни ривожлантириш суръатлари жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига нисбатан анча устунликка эга бўлганлигини кўрсатади.

(Давоми иккинчи бетда).

УНУТИЛМАС КУН

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ IV СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

СССР Олий Советининг 1960 йил 14 январдаги мажлиси Совет давлати тарихига ёрқин, унутилмас саҳифа бўлиб киради. Пойтахтнинг ана шу оддий, қиш кунларидан бирида қадимий Кремлда иттифоқчи ва автоном республикаларнинг, ўлка ва областларнинг, миллий округларнинг вакиллари тўпландилар. Халқ ишончига эга бўлган бу вакиллар муҳим давлат ишларини муҳокама қилиш учун бу ерга йиғилдилар.

СССР бешинчи чақириқ Олий Советининг IV сессияси одатдагидек, иккала палата—Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг алоҳида-алоҳида мажлислари билан бошланди. Депутатлар ғоят баланд руҳ ва якдиллик билан сессиянинг кун тартиби ва иш тартибини тасдиқладилар. Сессия: «Қуролсизланиш—тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасида дўстликни таъминлаш йўлидир» деган масалани муҳокама қилади. Докладни иккала палатанинг қўшма мажлисида эшитишга қарор қилинди.

Мажлис бошланишидан анча олдин Катта Кремль саройида СССР Олий Совети депутатлари, Москвадан ва бошқа шаҳарлардан келган жуда кўп меҳмонлар, маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари тўпланди.

Ложаларда—чет эл дипломатлари ўтирибдилар. Совет ва чет эл матбуотининг кўп вакиллари бор.

А. Б. Аристов, Н. И. Беляев, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Я. Э. Калнберзин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, В. П. Мжаванадзе, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский ўртоқлар ҳукумат ложаларига чиққанларида залдагилар уларни гулдурос қарсаклар билан кутиб оладилар.

Раислик қилувчи—Миллатлар Советининг Раиси депутат **Я. В. Пейве** доклад қилиш учун СССР Министрлар Совети Раиси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи Секретари ўртоқ **Н. С. Хрушчевга** сўз беради. Н. С. Хрушчев докладининг темаси—«Қуролсизланиш—тинчликни мустаҳкамлаш ва халқлар ўртасидаги дўстликни таъминлаш йўлидир» деган тема—ер юзидаги миллион-миллион кишиларнинг манфаатларига яқиндан тааллуқлидир ва уларнинг қалбини шубҳасиз ҳаяжонлантиради, уларда ғоят зўр қизиқиш туғдиради.

Сессия қатнашчилари ва меҳмонлар 3 соатдан ортиқ давом этган бу докладни жуда катта эътибор билан тингладилар. Совет ҳукуматининг бошлиғи ички аҳвол тўғрисида, халқаро ҳаёт ва Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати тўғрисида гапирди. Қудратли социалистик давлат номидан у барча қитъаларга ва мамлакатларга мурожаат қилиб, тинчликка, инсониятнинг тараққиёти ва бахт-саодати йўлида тинч тотув яшашга даъват этди. Бу чақириқ буюк инсонпарварлик, бутун дунё тақдири ҳақида ғамхўрлик ифодаси бўлиб, барча кишиларнинг онгига етиб боради.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг доклади қизғин қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди. (ТАСС).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(Боши биринчи бетда).

Совет Иттифоқининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда катта муваффақиятларга эга эканлиги КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида таъкидланди. Шу нарса жуда муҳимки, 1959 йилда мамлакатимиз аҳоли жон бошига АҚШда аҳоли жон бошига етиштирилганига нисбатан кўпроқ мол ёғи етиштирди. СССР сут етиштиришнинг умумий ҳажми жиҳатидан икки йилдан бери АҚШдан устун бўлиб келмоқда. Гўшт етиштириш масаласига келганда шуни айтиш керакки, гарчи биз кейинги йилларда бу соҳада анча илгари силжиган бўлсак ҳам, аҳоли жон бошига гўшт етиштиришда ҳали ҳам бўлса АҚШдан 2,4 баравар кейинда қолмоқдамиз. Кейинги йилларда чорвачиликни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар, озуқа базасининг мустаҳкамланганлиги, қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари қабул қилган социалистик мажбуриятлар гўшт етиштириш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига яқин йилларда етиб олишимизга қаттиқ ишонч туғдиради.

Етти йилликнинг биринчи йилидаги ажойиб якунларга биз аввало, қаҳрамон ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва совет интеллигенцияси туфайли эришдик. Совет кишиларининг меҳнати билан янги завод ва фабрикалар, уй-жой ва мактаблар барпо этилмоқда, қудратли техника ишга солинмоқда, кўмир ва нефть чиқарилмоқда, пўлат эритилмоқда, ажойиб машиналар яратилмоқда, мўл ҳосил етиштирилмоқда, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилмоқда, фан ва техникада янги йўллар очилмоқда. КПСС XXI съезди ўз қарорлари билан очиб берган улуғ истиқболлар мамлакатимиз меҳнаткашларини янги меҳнат зафарларига илҳомлантирди.

Завод, фабрика, шахта, кон ва қурилишларда, колхоз ва совхозларда, иқтисодий районларда етти йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олди. Шу мусобақа давомида ишлаб чиқариш илғор методларининг минглаб шонли ташаббускорлари, коммунистик меҳнат бригадаларининг ташкилотчилари майдонга чиқди.

Партия ва ҳукумат КПСС XXI съездининг қарорларига амал қилиб, социалистик демократияни янада ривожлантиришга, меҳнаткашлар кенг оммасини давлат, хўжалик ва маданий қурилишни бошқаришга жалб этишга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Иттифоқчи республикаларнинг, маҳаллий органлар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари кенгайтирилганлиги, саноат ва қурилишни бошқаришнинг қайта қурилганлиги ўзининг катта самараларини бермоқда. Омманинг сиёсий ва меҳнат активлиги ўсмоқда, уларнинг ижодий ташаббуси кучаймоқда.

Бизда давлат функцияларини жамоат ташкилотлари тобора кўпроқ даражада бажармоқдалар, хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда, социалистик ҳуқуқ тартибини мустаҳкамлашда жамоатчиликнинг роли ўсиб бормоқда. Жумладан, СССР Министрлар Совети ва партия Марказий Комитетининг СССР Ички ишлар министрлигини тугатиш ҳамда бу министрлик шуғулланиб келган ҳамма масалаларни республикаларга, маҳаллий ҳокимият органларига топшириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори ҳам шуни кўрсатиб турибди. Бу тадбир аппаратни қисқартириш ва арзонлаштириш мақсадидагина эмас, балки асосан, социалистик демократияни янада ривожлантириш, ҳуқуқ тартибининг бузилишига қарши курашда жамоатчиликнинг ролини ошириш манфаатларини кўзлаб, маҳаллий органларга кўпроқ ҳуқуқ бериш манфаатларини кўзлаб амалга оширилди.

Ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларнинг ва совет интеллигенциясининг ижодий ташаббуси, қудратли меҳнат ғайрати етти йиллик планнинг улуғвор топшириқлари муддатидан илгари бажарилишига ишончли гаровдир.

СССРнинг иқтисодий жиҳатдан тез суръатлар билан ривожланаётганига эндиликда чет элларда ҳеч ким шубҳаланмайди. Ҳозир бизнинг Америка Қўшма Штатларига қараганда неча баравар тез ҳаракат қилаётганимиз ва қайси муддатларда унга етиб олишимиз ҳақидагина баҳслашмоқдалар. Ҳозирги вақтда АҚШда бу масалаларни муҳокама қилишда кўпгина атоқли экономистлар, савдо-саноат доираларининг намояндалари ва давлат арбоблари актив қатнашмоқдалар.

АҚШ Марказий разведка бошқармасининг бошлиғи Аллен Даллес яқинда сўзлаган нутқида «СССР айниқса саноат ишлаб чиқариши соҳасида Қўшма Штатларга етиб олиш тўғрисида ўз зиммасига олган вазифани бажаришда 1965 йилга бориб жиддий муваффақиятларга эришади», деди. Даллес социалистик мамлакатлардаги аҳволни характерлаб, «совет иқтисодий программасининг жуда таъсирли натижаларини ҳамда уларнинг кейинги ўн йил ичида эришган ажойиб муваффақиятларини виждонан эътироф этиш керак», деб айтди.

АҚШ Сенатининг ташқи ишлар комиссияси ўтган йилнинг охирида иқтисодий ва саноат тақиқотлари корпорацияси тайёрлаган докладни эълон қилди. Бу докладда бундай дейилади: «1970 йилга бориб, СССР ғоят катта, ҳозирдагига нисбатан анча кучли ҳамда баъзи соҳаларда АҚШ саноатидан йирикроқ саноатга эга бўлган мамлакат бўлиб қолиши мумкин». Чакки баҳо эмас.

Бизнинг муваффақиятларимиз ва имкониятларимизни кўпайтириб кўрсаталилар, деб гумон қилиш сира мумкин бўлмаган бу кишиларнинг айтган гаплари Совет Иттифоқининг иқтисодий жиҳатдан тез суръатлар билан ривожланиши муваффақиятларини яна бир марта тасдиқлайди. Биз икки системанинг тинч иқтисодий мусобақасида прогрессивроқ ва ҳаётчанроқ социалистик тузумнинг ғалаба қозонишига қаттиқ аминмиз.

КПСС XXI съезди мамлакатимизнинг коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдириш даврига қадам қўйишини нишонлади. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг съезд тасдиқлаган етти йиллик плани шу тарихий даврнинг биринчи босқичидир. Ҳозирги вақтда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 15 — 20 йилга мўлжалланган перспектив планини батафсилроқ ишлаб чиқиш имконияти бор. Бу перспектив план айни вақтда улуғ Ленин томонидан қўйилган вазифани — бутун мамлакатни электрлаштириш вазифасини тугаллаш плани ҳам бўлиб қолади, коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш программасининг асосий ўзаги бўлиб қолади.

Етти йилликнинг иккинчи йили бўлган 1960 йил коммунизм қуришда янги жуда катта ғалабалар келтиришига совет халқининг имони комилдир.

Ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи масалалари тўғрисида

Депутат ўртоқлар! Халқаро вазият кейинги вақтда муайян равишда яхшиланганлигини биз неча марталаб айтиб ўтдик. Бундан бир неча йил муқаддам, масалан 1952—53 йилларда халқаро аҳвол қандай ҳолатда бўлганлиги ҳаммангизнинг эсингизда бўлса керак, албатта. Ўша йиллардаги вазиятни бугунги кун билан таққослаганда биз фақат битта хулосага келишимиз мумкин — уруш хавфининг қора булутлари биз истагандек гарчи тез тарқалмаётган бўлса ҳам, ҳар ҳолда тарқала бошлади.

Ўз-ўзидан маълумки, воқеаларнинг кейинги вақтдаги ривожланишини халқаро кескинликнинг анча юксак нуқтасидан бошланиб, сўнгра шу кескинликнинг тобора пастроқдаги нуқталарига тушиб бораётган қандайдир тўғри чизиқ тариқасида тасаввур қилиш нотўғридир. Агар халқаро кескинликнинг у ёки бу даражадаги қизишини бамисоли термометр найчаси ичидаги симоб воситасида температурани ўлчаган каби ўлчаш мумкин бўлганида эди, бундай термометр бизга халқаро кескинлик даражаси бир қанча тушишлар ва кўтарилишларни кўрсатиб берган бўлур эди. Лекин умумий тенденция шундай бўлаётирки, халқаро муносабатлардаги кескинлик юмшай бошламоқда, «совуқ уруш» тарафдорлари мағлубиятга учрамоқдалар.

СССР Олий Советининг Улуғ Октябрь 40 йиллигига бағишланган юбилей сессиясида, халқаро кескинликни юмшатиш мақсадида Шарқ ва Ғарб раҳбарларининг кенгашини ўтказиш тўғрисида таклиф киритилган эди. Биз хурсандчилик билан шуни қайд қиламизки, Совет ҳукуматининг шундай кенгаш чақирилишини таъминлаш йўлида сарфлаган куч ва ғайрати ўзининг ижобий натижаларини берди.

Яқинда биз АҚШ президенти Дуайт Эйзенхауэр, Франция президенти Шарл де Голль ва Буюк Британия бош министри Гарольд Макмиллан билан гаплашиб, ҳукуматлар бошлиқларининг кенгашини 16 майда Парижда чақириш тўғрисида бир фикрга келдик. Шу кенгашдан сўнг юксак доирада яна бир қанча учрашувлар ўтказилиши назарда тутилади.

Ўтказиладиган кенгаш эришуви мумкин бўлган натижаларни олдиндан айтиб беришга уриниш беҳуда уриниш бўлур эди, чунки бу натижалар фақат бизгагина боғлиқ бўлмасдан, партнерларимизга ҳам боғлиқдир. Бироқ, шу нарсани уқтириб ўтиш муҳимдирки, жуда етилиб қолган халқаро масалалар устида ҳамжиҳатликка эришиш ва халқаро кескинликнинг манбаларини йўқотиш мақсадида Ғарбдаги энг йирик давлатларнинг раҳбарлари билан жиддий музокаралар олиб боришга тўғри келади. Совет Иттифоқига келганда, биз бу учрашувнинг фойдали ва самарали бўлишини истар эдик.

Биз шу нарсага жуда аминмизки, ҳар қандай низоли масала қанчалик ўткир ва мураккаб бўлмасин, томонларнинг манфаатлари оқилона ҳисобга олинган тақдирда, томонлар бир-бирларининг майлларига юришга ўзларининг тайёр эканликларини кўрсатганликлари тақдирда, ҳар қандай низоли масала ҳамма томонларнинг манфаатини кўзлайдиган қилиниб ва тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб бартараф қилиниши мумкин. Ўзининг ҳал қилинишини кутиб турган бундай масалалар эса тўлиб ётибди. Биринчи навбатда, тўла ва ёппасига қуролсизланиш масаласи, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш, шу жумладан, Ғарбий Берлинни эркин шаҳарга айлантириш масаласи, атом ва водород қуроли синовларини тақиқлаш масаласи, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатлар масаласи сингари масалаларни айтиб ўтмоқ керак. Биринчи галда мана шу масалаларнинг ўзини биз юксак доирада ўтказиладиган кенгашнинг кун тартибига киритишни таклиф қилдик.

Табиийдирки, ҳамма мамлакатлардаги халқлар бундай кенгаш чақирилиши тинчликни мустаҳкамлайди ва давлатлар ўртасида дўстона ҳамкорликни вужудга келтиради, деб катта умидлар қилмоқдалар. Дуруст, айниқса баъзи кичикроқ давлатларда, катта давлатлар бир-бирлари билан келишиб олиб кичик мамлакатларнинг манфаатларини четга қолдирмасмикинлар, кенгашда вакиллари қатнашмаган давлатларнинг хоҳишини эътиборга олмай қолмасмикинлар, деб хавотирлик билдирган айрим овозлар эшитилмоқда. Бу ерда шуни айтишга ижозат берингки, бундай хавотирлик учун ҳеч қандай асос йўқ. Совет ҳукуматига келганда, унинг бошқа давлатларнинг манфаатларига бевосита тааллуқли масалалар устида шу давлатларга сездирмай битимга келиш нияти ҳеч қачон бўлган эмас ва бундай нияти йўқ. Бошқа давлатлар ҳисобига қандайдир бир томонлама манфаатланиб қолишга эришиш йўлида қилинадиган ҳар қандай уриниш чақириладиган кенгашнинг мақсадларига умуман мос бўлиб тушмас эди, деб ҳисоблаймиз, чунки бу кенгашнинг натижалари умумий тинчликка, бинобарин, катта ва кичик ҳамма давлатларга фойдали бўлиб чиқиши лозим.

Мен билан Эйзенхауэр ўртасида Кэмп Дэвидда, сўнгра Буюк Британия бош министри Макмиллан ўтган йил бошида Москвага келган вақтида у билан бўлган учрашувлар, ошкора ва жуда фойдали суҳбатлар юксак доирада ўтказиладиган музокаларда ҳам реализм, ошкорлик ва ҳамкорлик руҳи устунлик қилади деб умидвор бўлмоқ учун асос беради. Вужудга келган ҳозирги вазиятда раҳбар давлат арбоблари ўртасидаги шахсий учрашувлар ва алоқалар давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашнинг ҳамда бартараф қилинмаган халқаро масалалар устида бамаслаҳат бир фикрга келишнинг энг таъсирчан ва кўп натижалар бериши мумкин бўлган методи ҳам эканлигини кейинги вақтдаги тажриба тўла равишда исботлаб берди.

Франция президенти де Голльнинг таклифига биноан, икки ойдан сўнг мен Францияга боришим керак. Гитлерчилар фашизмига қарши умумий курашда иттифоқчимиз бўлган улуғ француз халқининг турмуши ва муваффақиятлари билан танишиш бизга катта ҳузур бағишлайди. Бизнинг мамлакатимизда Францияга, жаҳон маданияти, фани ва техникасини ривожлантиришга шунчалик катта ҳисса қўшган француз халқига саммиият ҳислари тарихан вужудга келган. Франция қиладиган сафарим ва президент де Голль билан олиб борадиган музокараларимиз Совет — Франция муносабатларини яхшилаш соҳасида ҳам, шунингдек умуман халқаро вазиятни янада соғломлаштириш ишида ҳам ижобий натижаларга олиб келади, деб умид қилиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда генерал де Голльни Франция мағлубиятга учраган ва гитлерчиларнинг қўшинлари томонидан оккупация қилиб олинган вақтда катта мардлик кўрсатган киши деб биладилар. Ўша вақтда кўпгина давлат арбоблари Франциянинг манфаатларига хиёнат қилиб, оккупациячилар билан ҳамкор бўлиш йўлини тутдилар. Ўша қийин йилларда генерал де Голль Францияни оккупациячилар асоратидан қутқариш учун, Франциянинг миллий шуҳрати учун кураш олиб борди.

Президент Эйзенхауэр билан бўладиган учрашувдан кўп нарсаларни кутиш мумкин, у шу йил июнь ойида бизнинг мамлакатимизга жавоб визити билан келади. Совет ҳукумати Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги муносабатларда ишонч вужудга келтирмоқ учун биз Кэмп Дэвидда куч ва ғайрат сарфлаб қилган олижаноб ишимиз Москвада муваффақиятли равишда давом эттирилади, деб умид қилади.

Олий Советнинг бу сессияси ўз ишини тамомлагач, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. Е. Ворошилов республика президентининг таклифига биноан, яхши ният визити билан Ҳиндистонга боради ва айни шу вақтнинг ўзида СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Ф. Р. Козлов ва СССР Олий Совети депутати Е. А. Фурцева Ҳиндистон ҳукуматининг таклифига биноан шу мамлакатга сафарга жўнайдилар. Бу делегация Непал короли ва ҳукуматидан ҳам шу мамлакатга келиш тўғрисида лутфан таклифнома олди ва бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Бу қилиналиган сафарлар Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги, Совет Иттифоқи ва Непал халқлари ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам беради, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради деб ҳисоблаймиз.

Сизларга маълумки, Индонезия Республикасининг президенти ва бош министри Сукарнонинг таклифига биноан, тез орада мен Индонезияга бораман.

Бизнинг бу сафардан умидимиз катта, чунки мамлакатларимиз ўртасида бизларни бирлаштириб турган кўпгина умумий масалалар бор. Тинчликни янада мустаҳкамлаш учун кураш, мустамлакачиларнинг ҳукмронлигига қарши кураш масалалари, ўз эркинлиги ва мустақиллигини қўлга олган давлатларнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш масалалари мана шундай масалалардир.

Ҳиндистон бош министри Нерудан Индонезияга бора туриб Ҳиндистонда тўхтаб ўтиш тўғрисида таклифнома олдик. Мен бу таклифни мамнуният билан қабул қилдим, чунки биз Неру жаноблари ва Ҳиндистон давлатининг бошқа арбоблари билан бўладиган учрашувлар тинчлик иши фойдасига ва мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз. Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги яхши муносабатлар кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда. Неру жаноблари билан менинг шахсий муносабатларим жуда яхши. Ҳиндистонга бориш, янги учрашувлар, фикр алмашишлар бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Совет ҳукумати Афғонистон подшоси Зоҳир Шоҳ ҳазрат олийларидан ва Афғонистон ҳукуматидан шу сафар вақтида Афғонистонга келиш тўғрисида ҳам таклифнома олди. Биз бу таклифни мамнуният билан қабул қилдик. Бизнинг бевосита қўшнимиз — Афғонистон подшоси ва ҳукумати билан фикрлашмоқ учун Кобилда тўхтаб ўтаман деган умиддаман, чунки Афғонистон билан бизнинг ўртамизда дўстона муносабатлар вужудга келган ва муваффақиятли равишда ривожланмоқда.

Индонезияга қилинаётган сафар муносабати билан Бирмага келиш тўғрисида Бирма Иттифоқи ҳукуматидан таклифнома олинди. Лутфан қилинган бу таклифдан фойдаланиб, бу мамлакатни яна бориб кўриш менинг учун мақбулдир. Бирмага қилинадиган сафар, Бирма ҳукумати раҳбарлари билан фикр олишиш, Совет — Бирма муносабатларини янада ривожлантириш учун, тинчлик ишини мустаҳкамлаш учун фойдали бўлади деб ўйлайман.

Италия Республикасининг президенти Гронки билан ҳам учрашишга тайёрланмоқдамиз, у февраль ойида Совет Иттифоқига келади. Италия Республикасининг президенти билан бўладиган учрашувлар ва суҳбатлар Италия билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада яхшилаш ишига ва мамлакатларимиз халқларини бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади, бу ҳам тинчлик ишини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Кейинги вақтларда халқаро турмушда кескинликни юмшатишга қулайлик туғдираётган тенденциялар мавжуддир. Шу билан бирга, Ғарбнинг энг катта мамлакатларида ва, аввало, НАТО мамлакатларида нуфузли кучлар ҳали ҳам ҳаракат қилаётганлигини, давлатлар ўртасидаги муносабатларда рўй бераётган иллиқлик ҳам, Шарқ ва Ғарб давлатлари раҳбарларининг шахсий учрашувлари ҳам бу кучларга ёқмаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Фойдапарастлик муайян империалистик доираларни зўр бериб қуролланишни давом эттириш ва «совуқ уруш» ҳолатини сақлаб қолишга ундамоқда. Бу доиралар етарли нуфузга эгадирлар, улар халқаро кескинликни юмшатиш ишига муайян шароитда зарар етказишлари мумкин.

Ўз манфаатларини зўр бериб қуролланиш сиёсати билан боғлаб қўйган сиёсий арбоблар халқаро кескинликнинг юмшашидан қўрқмоқдалар ва бу юмшаш ҳақиқатан вужудга келади, деган фикрни хаёлларига келтиришни истамайдилар.

Чунончи, Американинг машҳур миллиардери ва Нью-Йорк штатининг губернатори Рокфеллернинг, АҚШ нинг собиқ президенти Трумэннинг ва собиқ давлат секретари Ачесоннинг айтган гапларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу уч шахс, улар билан ҳамфикр бўлган бошқа шахслар ҳам халқаро масалаларда шундай позицияда туриб ҳаракат қилмоқдаларки, уларнинг позициялари Кэмп Дэвидда қабул қилинган Совет — Америка ахборотида ўз ифодасини топган позициядан жуда узоқдир. Бу хилдаги гаплар «совуқ уруш» нинг стандарт намуналаридир. Буни маълум даражада шу нарса билан изоҳлаш мумкинки, собиқ президент Трумэн, унинг собиқ давлат секретари Ачесон, хуллас мана шу икки «собиқ» кишилар энди шармандаси чиқиб расво бўлган собиқ сиёсатдан, яъни «зўравонлик позициясига таяниш» сиёсатидан, «тийиб туриш» ва «улоқтириб ташлаш» сиёсатидан, «уруш ёқасига келтириб қўйиш» сиёсатидан сира воз кеча олмаётирлар. Қўшма Штатларнинг сиёсий ҳаётида нуфуз орттиришга интилаётган бошқа арбоблар Трумэн ва Ачесон босган йўлдан боришга уринмоқдалар. «Совуқ уруш» сиёсатидан қолган гапларни такрорлай бериш ҳеч бир яхшилик келтирмаслиги ҳаммага равшандир.

«Совуқ уруш» тарафдорлари гоҳ бир жойда, гоҳ иккинчи жойда нутқ сўзлаб, тилларини қайрамоқдалар. Улар ўзларининг нутқларида «коммунизм хавфи» бор деб қўрқитишга уриниб, «совуқ уруш»нинг эски ашуласини ҳиргойи қилмоқдалар. Лекин қулоққа ёқмайдиган бу соҳта ҳиргойи аллақачон ҳаммаларнинг жонига тегди ва тинчликка интилаётган кишиларни гижинтирмоқда.

АҚШ жамоатчилик доираларининг кайфиятида рўй берган ўзгаришлар, жумладан, Н. Рокфеллер сайлов олди мақсадларини кўзлаб яқинда мамлакат бўйлаб қилган сафари вақтида ўзини яққол кўрсатди. У, сайловчилар олдида сўзлаган нутқларида халқаро иқлим исий бошлаганлигига қарама-қарши қилиб «совуқ уруш» нинг изғириқ шамолини яна кучайтиришга, орқага қайтишга, давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик жуда кучайган энг ёмон вақтларга қайтишга уриниб кўрди. Хўш, натижа нима бўлиб чиқди? Рокфеллер сингари миллиардерларнинг ва «совуқ уруш» мухлисларининг гапларини эшитиш учун келишга одатланиб қолган хатто баъзибир америкаликларга ҳам, ҳатто шундай кишиларга ҳам бу ғиншима ҳиргойи ёқмаётганлиги очиқ кўринди.

Рокфеллер президентлик мансабининг ҳузур-ҳаловатини тотмоқ учун «совуқ уруш» отига миниб, Оқ уйга кирмоқчи бўлганлигини очиқ кўрсатди. Лекин бу от ҳар қадамда қоқила берди, шунинг учун ҳам Рокфеллер бу от билан ўз мақсадига етолмаслигини ва ҳозир шу отда Оқ уйга бориб етишнинг иложи йўқлигини пайқади. Шу сабабли, у президентлик мансабига ўз номзодини қўймасликка қарор қилганлигини олдиндан айтиб қўйди. Лекин у маневр қилиш мақсадидагина шундай қарорга келган бўлиши мумкин.

Бу нарса унинг «совуқ уруш»дан воз кечганлигини, қуролни топшириб таслим бўлишни истаганлигини ва ўзининг кучғайратини халқаро ҳамкорлик йўлига сарфлашга қарор қилганлигини кўрсатмайди, албатта. Шу нарса равшандирки, империалистлар «совуқ уруш» тарафдорларининг кучларини яна тўплашга урина берадилар. Тинчликсевар кишилар хушёр бўлиб туришлари ва тинчлик учун курашни бўшаштирмасликлари лозим. Халқаро кескинликни, зўр бериб қуролланишни сақлаб қолишга уринаётганларни, бундай сиёсат инсоният бошига келтирадиган мислсиз катта хатар ҳисобига ўзининг шахсий ҳузур-халовати ва мансабини сақлаб қолишни истаётганларни тағин ҳам кескин равишда фош қилиб ташлай бериш керак.

Янги жаҳон уруши келтириши мумкин бўлган ҳалокатли оқибатларни АҚШ да тушунмайдиган бирор киши борлигига ишониш қийин. Агар агрессорлар янги уруш бошлайдиган бўлсалар миллионлаб ва ҳатто миллиардлаб сарф қилинаётган доллар ҳам уларни тор-мор бўлишдан сақлаб қололмайди.

АҚШ да ва ҳатто НАТО нинг бошқа мамлакатларида ҳам ҳозирги кунда «совуқ уруш»ни давом эттиришни талаб қилаётган доиралар шу «совуқ уруш» сиёсати вужудга келтирган зиддиятларнинг асири бўлиб қолмоқдалар. Бир томондан, бу доиралар зўр бериб қуролланишдан манфаатдордирлар, чунки бу нарса уларга фойда келтирмоқда. Иккинчи томондан, улар зўр бериб қуролланиш уруш хавфини кучайтираётганлигини ўзларининг бутун мол-мулклари, шу жумладан зўр бериб қуролланиш натижасида орттирган фойдалари шу уруш оловида куйиб кул бўлишини тушунмасликлари мумкин эмас. Гоҳ халқаро ҳамкорлик тенденцияси, гоҳ давлатлар ўртасида муносабатларни кескинлаштириш тенденцияси юзага қалқиб чиқиб, шу тариқа капиталистик давлатлар сиёсатида бир қанча зиддиятлар рўй бераётганлигининг бойиси ҳам мана шундадир.

Атом ва водород қуроли синовларини тўхтатиш масаласида АҚШ ҳукумати тутган позиция афсуски, ҳозирги вақтда мана шундай бир-бирига зид тенденциялар намоён бўлаётганлигини кўрсатувчи мисолларнинг биридир.

Маълумки, ядро қуролига эга давлатлар сифатида Совет Иттифоқи, АҚШ ва Англия ўртасида анча кўп вақтдан бери — бир йилдан кўпроқ вақтдан бери — Женевада атом ва водород қуролини портлатиб синашларни тўхтатиш тўғрисида музокаралар олиб борилмоқда. Бу вазифанинг муҳимлиги ҳаммага маълум. Гарчи Женева музокаралари жуда секинлик билан оғга бораётган бўлсада, ҳар ҳолда бу музокаралар давомида синовларни тўхтатиш тўғрисида битим тузишни енгиллаштирадиган муайян ижобий натижаларга эришилганлигини инкор қилиш адолатсизлик бўлур эди.

Музокараларда қатнашаётган давлатлардан ҳар қайсиси ядро синовларини бундан буён ўтказишни тўхтатиб туриш тўғрисида ихтиёрий равишда қабул қилган қарорларини бутун дунё халқлари мана шундай шароитда далда берувчи яхши белги деб маъқулладилар. Атом ва водород қуроли бир йилдан кўпроқ вақтдан бери жаҳоннинг ҳеч қаерида синаш учун портлатилмаётир. Бу қувончли факт халқларда жуда яқин вақт ичида тегишли халқаро шартнома тузиш йўли билан мавжуд аҳволни мустаҳкамлаш мумкин бўлиб қолади ва ядро синовларига абадий хотима берилади деган умид туғдирди.

Аммо, ўтган йил 29 декабрда АҚШ президенти Эйзенхауэр жаноблари берган баёнотдан маълум бўлишича, АҚШ ядро қуроллари синовларини вақтинча тўхтатиб туриш мажбуриятини 1959 йил 31 декабрдан кейин ўз зиммасидан соқит қилди, деб ҳисоблади. Гарчи президентнинг баёнотида, АҚШ синовлар бошланишини олдиндан хабар бермай туриб синовлар ўтказишга киришмайди, дейилган бўлса ҳам, унинг бу гапидан энди Қўшма Штатлар ядро портлатишларини ўзлари истаган вақтда бошлаб юбориши мумкинлиги очиқ кўриниб турибди.

АҚШ ҳукуматининг бу қарори тўғрисидаги хабар жаҳоннинг ҳамма мамлакатларида афсусланиш ва ҳаяжон ҳисларини туғдирди.

Ҳозирги вазиятда давлатлардан биронтаси ядро қуроли синовларини яна бошлаб юборадиган бўлса, бунинг оқибатини тасаввур қилиш қийин эмас. Шундай қуролга эга бўлган бошқа давлатлар ҳам шу йўлга тушиб олишга мажбур бўлиб қолдилар. Натижада ҳар қандай қувватга эга бўлган ядро қуроли синовларини ва ҳар қандай шароитда ҳеч бир чекланмаган ҳолда зўр бериб ўтказишни яна бошлаб юбормоқ учун йўл очилади. Ядро қуроли синовларини биринчи бўлиб бошлаган ҳукумат бу билан халқлар олдида оғир масъулиятни ўз зиммасига олган бўлур эди.

Уч давлатдан биронтасининг ядро қуроли синовларини яна бошлаб юбориш тўғрисидаги қарорини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма аъзолари олдида шу давлатнинг ўз зиммасига олган мажбурияти билан тўғри келтириш қийин бўлур эди. Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда ўз ишини тамомлаган сессияси халқларнинг иродасини ифодалаб, ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида Женевадаги музокараларда қатнашаётган давлатларни битим тузишни жадаллаштирмоқ учун тағин ҳам кўпроқ куч сарфлашга ва ядро қуроли синовларини яна бошлаб юбормасликка якдиллик билан даъват қилган эди-ку. Совет Иттифоқи, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британиянинг делегациялари бу даъватни маъқуллаб овоз берган эдилар.

Шу муносабат билан мен шу нарсани яна уқтириб ўтмоқчиманки, Совет ҳукумати синовларни тўхтатиш тўғрисидаги шартномани тузиб чиқишни жуда яқин вақт ичида тугаллаш учун энг қулай шароитни таъминлаш мақсадида, агар Ғарб давлатлари атом ва водород қуроли синовларини бошламасалар, Совет Иттифоқида ядро портлашлари синовини янгидан бошламаслик тўғрисида ўз зиммасига олган мажбуриятга бундан буён ҳам амал қила беради.

АҚШ президентининг баёнотида ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битимга келиш имкониятлари кейинги вақтда ёмонлашиб қолди, дейилади. Шуни очиқ айтиш керакки, бизнинг бундай баҳога қўшилишимиз қийин. Юқорида айтиб ўтганимдек, уч давлат вакилларининг кенгаши шундай битимни тайёрлаш соҳасида бирталай иш қилди. Яқиндагина Совет Иттифоқи илгари муҳим келишмовчиликлар туғилишига сабаб бўлган уч масалани, яъни Контроль комиссиясининг состави, контроль постларини ходимлар билан таъминлаш ва Контроль комиссиясининг бюджет ва молия масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш ҳақида Женева кенгашининг муҳокамасига янги таклифлар киритди. Совет Иттифоқининг Ғарб давлатларининг позициясига яқинлашиш йўлида қўйилган қадам бўлган бу таклифлари Женева кенгашининг ишида янада илгари силжиш имкониятини очиб беради.

Президент Эйзенхауэрнинг баёнотида, Америка Қўшма Штатлари ядро қуроли синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузишга қатъий интилиш руҳида музокараларни янгидан бошлаб юборади, деб айтилган гапларни мамнуният билан қайд қиламиз.

Совет Иттифоқига келганда, у Женева кенгашида олиб борилган музокаралар вақтида пайдо бўлган тўсиқларни олиб ташлаш йўлини бундан буён ҳам қидира беради, ядро қуролининг ҳамма синовларини абадий тўхтатиш тўғрисидаги шартномани тезроқ имзолашга яқин фурсатда эришмоқ учун ўзининг бутун куч ва ғайратини сарфлай беради. Кенгаш қатнашчиларининг ҳаммаси битимга келишга интилсалар, ҳозирнинг ўзидаёқ бунинг учун имкониятлар бор деб ҳисоблаймиз.

Кейинги вақтда АҚШнинг расмий вакиллари ер остидаги портлатишларни ҳеч қандай асбоб билан топиб бўлмайдиган қилиб ниқоблаб ўтказиш мумкин, деган гапларни айтмоқдалар. Ер остида ядро қуроли портлатилганида ҳозирги замон техникаси бу портлатишларни аниқлаб бера оладиган даражада баъзан мутлақо ишонарли даражада ишламайди, деб фараз қилайлик; ядро қуролини ер остида порлатганда уни ер қимирлашдан, ёнар тоғларнинг портлашидан фарқ қилиш баъзан осон бўлмайди, деб фараз қилайлик. Лекин тегишли битим имзоланадиган бўлса, бу битимни имзолаган томонларнинг ҳаммаси уни ҳалол бажариши лозим, албатта. Битимни бундай ҳалол бажариш бутун дунё халқлари учун жуда катта фойда етказади. Ядро қуролини ер остида, сув остида ва ҳавода портлатишларнинг ҳаммаси тўхтатилади. Одамларда, энди ҳаво радиактив қолдиқлар билан заҳарланмай, деган ишонч вужудга келади. Бундай шароитда фаннинг янада ривожланиши ядро портлатишларининг ҳаммасини мутлақо аниқ топиб қайд қилиб бориш имкониятини берали.

Портлатишларнинг ҳаммаси мутлақо аниқ ва тўла равишда қайд қилиб борилаётганлигини таъминлайдиган гарантия ҳозирги кунда гарчи ҳали йўқ бўлса ҳам, лекин ядро синовларини тўхтатиш тўғрисида битим тузилганида, бу битим уни имзолаган давлатлар зиммасига катта мажбуриятлар юклайди, албатта. Равшандирки, ҳамма бундай битимга қаттиқ риоя қилиши лозим бўлади. Агар бирор томон ўз зиммасига олган мажбуриятларни бузса, бундай бузиш ташаббусчилари абадий шармандага бўладилар, бутун дунё халқлари уларга лаънат ўқийди.

Бир йилдан кўпроқ вақтдан бери ядро портлатишлар ўтказилмаётганлигини ҳар бир томон халқаро битим тузмасдан ўз зиммасига ўз ихтиёри билан олган мажбуриятлар асосида бундай портлатишлар ўтказмаётганлигини айтиб ўтдим. Агар шундай битим тузилса, у ҳолда бу битим манфаатдор мамлакатларнинг ҳаммасини ўз аҳд-паймонига қаттиқ риоя қилишга тағин ҳам кўпроқ мажбур қилиб қўяди, деб ҳисоблаймоқ керак.

Бинобарин, ядро портлашларини аниқлашнинг техника методлари такомиллашмаган деган важлар шундай баҳона ниқоби остида ер остида ядро портлашларини яна бошлаб юбормоқ учун яхши метод деб бўлмайди. Агар улар ядро қуроли синовларини ҳавода, ер устида, ер остида ёки сув остида яна бошлаб юборишни истаётган бўлсалар, у ҳолда, ўзларининг бу ишларини оқламоқ учун расмий важлар қидириб юрмасдан, ўзларининг бу ниятларини тўппа-тўғри айта берсинлар. Биз шу нарсани яна бир марта уқтириб ўтмоқчимизки, Совет Иттифоқи ҳавода, ер устида, ер остида ва сув остида ўтказилаётган ядро қуроли синовларининг ҳамма турларини тўхтатиш зарур, деган фикрда қаттиқ турибди. Агар фақат ҳаводагина ўтказиладиган синовларни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, бу нарса халқларнинг синовларни батамом тўхтатиш тўғрисидаги умидларини пучга чиқарган бўлур эди. Халқлар тўла равишда қуролсизланишни, ҳамма армияларни тарқатиб юборишни истамоқдалар, бутун дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчлик таъминлансин, деб ядро қуролини тўла равишда тақиқлашга эришишни истамоқдалар.

(Давоми уч

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг охири

(Боши 1, 2, 3 ва тўртинчи бетларда).

Ҳукуматнинг СССР Қуролли Кучларини шу қадар кўп миқдорда камайтириш ҳақидаги таклифи муносабати билан (аминманки, бу таклифни депутатлар якдиллик билан маъқуллайдилар) совет ва партия ташкилотлари олдида катта ишлари амалга ошириш вазифаси турибди. Биз бу тадбир тахминан бир-бир ярим йил, узоғи билан икки йил вақт олади деб ўйламоқдамиз. Чунки жуда кўп кишиларни армия хизматидан бўшатиш керак бўлади. Бу ишни ортиқча шошилмасдан, армиядан бўшайдиган кишилар учун қийинчиликлар вужудга келтирмасдан амалга ошириш керак. Демобилизация натижасида бўшайдиган кишилар иш билан таъминланиши, ишга яхши жойлашиб олиши учун пухта ҳозирлик кўриш зарур. Оддий аскарлар ва сержантлар составига нисбатан бу вазифани ҳал қилиш енгилроқ: улар армияда кам хизмат қилганлар, меҳнат қўникмаларига эгалар ва шу сабабли аввалги касбларига қайтиб ишлаб кетаверишлари мумкин. Бундан ташқари ана шу кишилар ёш, улар тезда ўзларига муносиб касбни эгаллаб ола биладилар.

Офицерларни, сиёсий ходимларни, яъни ҳарбий ишни касб қилиб олган кадрларни ишга жойлаштириш масаласи масъулиятлироқ ва мураккаброқ масаладир. Бундай кишиларга ниҳоятда сезгирлик билан қараш керак. Қуролли кучларимизда хизмат қилаётган офицер кадрлар яхши тайёргарликка эга. Улар бутун кучларини Ватанимизга яхшироқ хизмат қилиш учун ҳарбий фанни ва ҳарбий санъатни ўрганишга сарфлаб келдилар. Энди улар касбни ўзгартиришлари ва ўз билимларини яна ўша умумий ишнинг — Ленин ғоялари тантанасининг, коммунизм тантанасининг манфаатларини кўзлаб, бошқа соҳада ишга солишлари керак бўлади.

Биз ана шу ўртоқлар янги меҳнат коллективларида, ўз фаолиятларининг янги шароитида ўзларини яхши ҳис қилсинлар учун уларни ғамхўрлик ва меҳрибонлик билан қуршаб олишимиз керак. Бундай ўртоқлар дуруст маошли касбни эгаллаб олишларида уларга кўмаклашиш лозим. Ҳар ким ўз кўнглига ёққан ишни танлаб олиши мумкин, бунинг учун бизда катта имкониятлар бор. Янги коллективларда уларни дўстларча ака-укалардек кутиб олиш, уларга самимият ва эътибор билан қараш вазиятини вужудга келтириш, ўз кучларидан ҳарбий бўлмаган, аммо худди ана шу вазифаларни — мамлакат куч-қудратини янада мустаҳкамлаша, экономика ва маданиятни ривожлантиришга, коммунизм тантанасига қаратилган вазифаларни ҳал қилишда манфаатлироқ фойдаланиш учун билим олишда уларга ёрдамлашмоқ зарур.

Бугун ана шу кадрлар ишлаб чиқаришга келади, башарти вазият талаб қилиб қолса, Ватан олдидаги ўз бурчларини адо этиш учун улар шавкатли Совет Армияси сафларига яна қайтадилар.

Армиядан бўшатиладиган — аскарлар ва офицерларга турмушнинг янги изига кириб олгунча фурсат бериш керак. Балки тегишли курслар ташкил қилиб, бу курсларда уларга янги касб ўргатиш керак бўлади. Биз транспорт авиациясини ривожлантира берамиз ва учувчиларнинг бир қисми ўз касби бўйича хизмат қилиб билими ва тажрибасини ишга солиши мумкин. Артиллериячилар ва учувчиларнинг бир қисмидан янги тузиладиган ракета қисмларида фойдаланилади; уларнинг кўпчилигидан эса халқ хўжалигининг тегишли тармоқларидаги ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин.

Бинобарин, гап шунинг устида боряптики, армиядан қайтиб келган кишини шунчаки ишга жойлаштириб қўйиш керак эмас, уни ҳақиқатан ҳам шундай жойлаштириш лозимки, у киши моддий жиҳатдан таъминланган бўлибгина қолмай, маънавий жиҳатдан ҳам қониқиш ҳосил қилсин, у ўзини умумий иш манфаатлари учун ишлаяпман, коммунизм қурилишининг актив иштирокчисиман деб ҳис қиладиган бўлсин. Бу—мураккаб ва катта вазифадир, биз уни ҳал қилишга ниҳоятда масъулият билан ёндошмоғимиз керак.

Депутат ўртоқлар, келажакда қуролли кучларимизни яна да такомиллаштиришга тааллуқли айрим мулоҳазаларни сиз билан ўртоқлашмоқчиман, албатта, бу мулоҳазалар ўша вақтга бориб, ялпи ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишда олдинга силжишга муваффақ бўлинмаса, қуролли кучларни қандай такомиллаштириш керак бўлади деган гапни назарда тутади. Ҳукумат ва партиямиз Марказий Комитети келгусида қуролли кучларни тузишда территориал системага кўчиш масаласини ҳозир ўйлаб кўрмоқда ва ўрганмоқда. Балки бу Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ Владимир Ильич Ленин қилган ишнинг бошқача шароитда ва бир мунча бошқача тарзда такрорланиши бўлар. Биз ўйлаймизки, территориал система ҳарбий ишга ўрганган ва ҳозирги замон қуролини эгаллаб олган керакли кадрларни ва аҳоли контингентларини вужудга келтиришни таъминлай олади.

Келажакка назар ташлаганда шуни тасаввур қилса бўладики, бизда территориал принцип асосида тузилган ҳарбий қисмлар бўлиши мумкин. Бу ҳарбий қисмларнинг шахсий состави ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ҳарбий ишни эгаллаб олади, эҳтиёж туғилиб қолганда эса тегишли транспорт воситалари — самолётлар ва бошқа ҳарбий техникалар Ватанимиз территориясининг керакли жойида қўшинлар тўплаш имконини беради. Мен буни шунинг учун гапиряпманки, сизлар ҳозир қуролли кучларимизни қисқартириш ҳақида қарор қабул қилиш билан бирга, келгусида қуролсизланиш ҳақида битим бўлмаган шароитда вужудга келадиган масалаларни ҳам кўзда тутишингиз керак.

Партиямиз Марказий Комитети, Совет ҳукумати шу нарсага аминдирки, ҳар бир аскар, Улуғ Ватан уруши йилларида совет қўшинларини шон-шараф билан жангга бошлаб кирган офицерларимиз, генерал ва адмиралларимиз Совет ҳукуматининг СССР Қуролли Кучларини янгидан кўп миқдорда қисқартириш ҳақидаги таклифини мамнуният билан кутиб оладилар. Биз аминмизки, гражданлик ишига ўтадиган ҳарбий ўртоқларимиз Совет Иттифоқи шонли Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилиб келганлари ва келаётганларидек, тинч меҳнат майдонида ҳам халққа шараф билан ҳизмат қиладилар.

Биз Совет Қуролли Кучлари сафларида садоқат билан фидокорона хизмат қилганликлари учун ана шу ўртоқларга чуқур миннатдорчилик изҳор қиламиз. Янги соҳада ажойиб муваффақиятларга эришувингизни — коммунизм ғалабаси йўлида ишчилар синфи манфаатларига, Совет Иттифоқининг меҳнаткаш халқи манфаатларига худди ҳозиргидек садоқат ва фидокорлик билан хизмат қилишингизни чин кўнгилдан тилашга руҳсат бергайсиз.

Тинч-тотув яшаш зарурлигини турмушнинг ўзи тақозо қилмоқда

Депутат ўртоқлар! Биз қуролли кучларимизни яна қисқартириш ҳақидаги таклифи масъулиятли халқаро музокаралар бошланиши арафасида киритмоқдамиз. Бу музокараларда Совет Иттифоқи олға сурган, тўрт йилга мўлжалланган ялпи ва батамом қуролсизланиш программаси кўриб чиқилади. Эндиликда биз ялпи ва батамом қуролсизланиш программасини илгари сурибгина қолмасдан, бир ўзимиз ана шу программада кўзда тутилган муҳим тадбирларни амалга оширишга киришмоқдамиз, яъни қуролсизланиш масалалари юзасидан бир битимга келишни енгиллаштирадиган ва яхши оқибатларга олиб келадиган тадбирларни кўрмоқдамиз. Биз ҳавойи гап айтмаймиз, ўз таклифларимизни амалий иш билан мустаҳкамлаймиз.

Халқаро практикада шундай ҳоллар бўлганки, у ё бу таклиф иккинчи томон албатта рад этади, деб киритилади. Совет Иттифоқига ва бутун социалистик давлатларга бундай нопок усуллар ётдир. Ялпи ва батамом қуролсизланиш программамизда ёзилганларнинг ҳаммасини биз муайян битимга эришиладиган кунгача изчиллик билан тўла амалга оширишга тайёрмиз. Бунинг устига ана шу битимга эришишни анча енгиллаштирадиган ва унинг бажарилишидан дарак берадиган шароитни олдиндан яратмоқдамиз. НАТО мамлакатларининг ҳукуматлари ўз активларига шу каби ишларни ёзиб қўя оладиларми? Афсуски, ҳали сира бундай деб бўлмайди.

Биз ўз қуролли кучларимизни янада қисқартирмоқдамиз ва бошқа мамлакатлар ҳам шу йўлдан борадилар деб астойдил ишонамиз.

Шундай савол туғилиши мумкин: биз илгари армиялар сонини қисқартириш ҳақида Ғарб давлатлари билан бир фикрга келиш учун жуда кўп мунозара қилишган эдик, эндиликда нега ўз ихтиёримиз билан ўз қуролли кучларимизни бир ўзимиз қисқартмоқдамиз, яъни нима учун бу ишни бир фикрга келмасдан бурун қилмоқдамиз? Биз бунда ён бермаётибмизми, бизнинг бу қадамимизга илгариги талаблардан чекиниш деб баҳо беришмасмикин?

Депутат ўртоқлар, шуни айтишим керакки, бизнинг қарорларимизни ана шундай талқин қилишлари мумкинлигини ҳам эътиборга олдик. Лекин Ҳукумат қуролли кучларимизни бир ўзимиз қисқартиришни вақтида қилинаётган иш деб топди—сабаби қуйидагилардир.

Мен юқорида айтганимдек, ялпи ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги совет программаси ўтган йилнинг сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига киритилган эди. БМТ Бош Ассамблеяси бизнинг шу таклифимизни ва қуролсизланиш сохасидаги бошқа мамлакатларнинг таклифларини ўн давлат Комитети қарамоғига топширишга қарор қилди. Совет таклифлари киритилган вақтдан бери тўрт ой ўтди, ўнлар Комитети эса ишга ҳали киришгани йўқ. Ваҳоланки ўнлар Комитетининг беш аъзоси—Совет Иттифоқи, Польша Халқ Республикаси, Чехословакия Республикаси, Руминия Халқ Республикаси ва Болгария Халқ Республикаси БМТ Бош Ассамблеяси XIV сессиясининг бу қарорини дарҳол бажаришга тайёр эканлигини бир неча марта айтди. Ўнлар Комитети ўз ишини шу йилнинг бошларида бошлайди деб Ғарб давлатлари билан битимга келинган эди. Кейинчалик бу муддат, бизнинг ташаббусимиз билан эмас, албатта, февраль ойига кўчирилди, энди эса партнерларимиз Комитетни чақиришни 15 мартгача кечиктиришни таклиф қилдилар, бунга рози бўлишга тўғри келди.

Фикримни тушунсинлар. Мен ўнлар Комитети ҳақида ҳам, у шуғулланиши керак бўлган масъулиятли иш ҳақида ҳам бирон ёмон гап айтмоқчи эмасман. Совет ҳукумати бу Комитетнинг мумкин қадар самарали ишлаши ва ўз олдига қўйилган катта вазифаларни муваффақиятли бажаришидан жуда манфаатдордир. Лекин қуролсизланиш юзасидан музокаралар олиб боришда урушдан кейинги йилларда кўпгина тажриба тўпланди, бинобарин, ўзимизнинг ҳавотирланаётганлигимизни айтмасак, биз бу қадар самимий бўлмаган бўлур эдик. Бу кўнгилсиз тажрибадан қуролсизланиш масалаларини кўриб чиқиш учун янгидан тузилган органда — ўнлар Комитетида ҳам фойдаланилса, музокара жараёни жуда-жуда чўзилиб кетади ва музокара қатнашчилари қуролсизланиш ҳақидаги битимга томон силжигунларигача мажлисларда жуда кўп сув ичиб юборилади. Масалан, марҳумни дафн этиш масаласи зўр бериб қуролланишни тўхтатиш муҳокамасининг ҳозиргача бўлган сўрғатлари билан ҳал этилганида эди, жасад алла қачонок чириб битар ва кўмадиган деч нима қолмас эди.

Совет Иттифоқининг қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларини тўғридан-тўғри рад этиш мумкин бўлмас—ҳозир дунёдаги ахвол унақа бўлмай қолди. Лекин, маълумки, Ғарб дипломатияси арсеналида турли хил комиссия ва кичик комиссиялар тузиш, докладлар ва анализлар тақдим этиш, ирода ҳақидаги битмас-туганчас мунозаралар ва сафсаталар сиқтари усуллар ҳам бор. Қуролсизланиш душманлари конструктив қарорларнинг қабул қилинишига йўл қўймаслик учун ана шу тадбирларнинг ҳаммасини ишга солмайдилар деб бўлмайди. Биз бундай бўлишини сира истамас эдик, биз музокараларнинг ҳалол ва самарали бўлишини истар эдик.

Бироқ, музокаралар барибир ана шундай исталмаган тусга кириб кетади деб тасаввур қилинг. Унда биз музокараларга кўмилиб кетиб ўзимиз истамаган ҳолда мамлакатимиз мудофаси манфаатлари талаб қилмайдиган составдаги армияни сақлаш зарурати келиб чиқар эди. Ўз-ўзидан маълумки, музокаралар вақтида қуролли кучлар ва қурол-яроғларни қисқартиришда ўзаро келишув шартики албатта қўйган бўлур эдик. Бизнинг партнерларимиз эса битимга келишни чўзиб, бу билан бизни ана шу масалани ўзаро бир хил асосда ҳал этиш имкониятидан маҳрум қилган бўлур эдилар. Шу сабабли давлатимизнинг обрўсини сақлаш учун биз армияни ҳозирги составда сақлашга, партнерларимизни ўзаро бир хил асосда қисқартиришга рози бўлишига ишонтиргунча армияни бир ўзимиз қисқартирмасликка мажбур бўлур эдик.

Бундан ким зарар кўрган бўлур эди? Бундан Совет давлатимиз, халқимиз зарар кўрган бўлур эди, чунки халқ маблағлари мутлақо самарасиз сарфланган бўлур эди. Биз бугунги мавжуд армияни сақлашни давом эттирган бўлур эдик. Биз совет қуролли кучларини бир ўзимиз қисқартириб, конкрет ишлар билан ўз истакларимизнинг ҳалоллигини, барча халқлар билан тинчликда ва дўст бўлиб яшашга интилаётганлигимизни бутун дунёга намойиш қилмоқдамиз.

Ўз-ўзидан маълумки, совет қуролли кучлари составини қисқартиргандан кейин ҳам биз Ғарб мамлакатлари билан ялпи ва батамом қуролсизланиш ҳақида бир битимга келиш учун кучғайрат сарфлашни сусайтирмаймиз. Биз ўзимизни ва бошқаларни уруш хавфидан халос қилишни, инсониятни урушга тортиши мумкин бўлган тасодифий ҳолларни йўқ қилишни истаймиз, йўқса, уруш ҳозирги шароитда албатта жаҳон урушига айланиб кетган бўлур эди.

Биз тўла асос билан шуни айта оламизки, Совет Иттифоқининг халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ва бир ўзи амалга ошираётган тадбирлари халқаро вазиятга ғоят катта таъсир кўрсатмоқда ва таъсир кўрсатади.

Инсоний керакки, Ғарб мамлакатларининг халқлари ва жамоат фикри НАТОнинг қуролли кучлар ва қурол яроғларни кўпайтиришни истайдиган доираларига тазйиқни кучайтирадилар. Капиталистик мамлакатлар парламентларида ҳарбий харажатларни кўпайтириш масаласи вужудга келган ҳар бир ҳолда халққа яқин турган депутатлар ўз қуролли кучларини қисқартираётган Совет Иттифоқини тўла асос билан намуна қилиб кўрсата олалилар. Ғарблаги агрессив ниятда бўлмаган ва тўғри фикр юритадиган ҳар бир киши таҳминан бундай мулоҳазага борали: Совет Иттифоқи ўз қуролли кучларини кескин қисқартираётган пайтда бизнинг ўз қуролли кучларимизни оширишимизга ҳожат бормикин. «Совет ҳарбий ҳавфи бор» деб йил сайин бақириб келаётган кишиларнинг тилига ришта чиқади деб кутиш қийин, албатта. Лекин тўла ишонч билан айтиш мумкинки, «совуқ уруш» тарафдорлари гапига қулоқ соладиган кишилар бир неча марта камаяди.

Биз ўз қуролли кучларимизни қисқартириш тадбирларини амалга ошириш билан Ғарб мамлакатларига бундай деймиз: қуролсизланиш ҳақида келишиб олайлик, урушга йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўрайлик, қуролли кучларни ва қурол-яроғларни кўпайтириш учун эмас, балки уларни қисқартириш ва уруш олиб бориш воситаларини тугатиш учун мусобақалашайлик.

Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар бир мамлакат экономикасининг кўпроқ ривожланган мамлакатлар экономикаси даражасига етиб олиши учун бир-бирларига ўзаро ёрдам кўрсатмоқдалар. Шу билан бир вақтда социалистик мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган мамлакатларга ёрдам кўрсатиш принципини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган халқларнинг ўз экономикаларини яратишларини, ўз қаддиларини кўтариб олишларини, экономикани ривожлантиришда ва моддий маънавий ҳаётини ривожлантиришда бой капиталистик давлат садақасига қарам бўлиб қолмасликларини чин кўнгилдан истайдилар.

Совет Иттифоқи бошқа мамлакатларга қўлидан келганча ёрдам кўрсатиб келди ва ёрдам кўрсатмоқда. Биз ёрдам кўрсатаётган мамлакатларни санаб чиқиш ва у ерларда бизнинг иштирокимиз билан қурилаётган корхоналарни санаб ўтиришнинг зарурати йўқ деб ўйлайман, чунки бу жуда катта рўйхат бўлган бўлур эди.

Қуролли кучлар қисқартирилганида, яъни қуролланиш учун харажатлар камайтирилганида экономикамизни ривожлантириш учун, бинобарин, кам ривожланган мамлакатлар деб аталадиган мамлакатларга ёрдамимизни кенгайтириш учун янада яхшироқ имкониятлар вужудга келади.

Ялпи ва батамом қуролсизланиш ҳақида битимга келинса, натижада жуда катта маблағ бўшалса, бунинг ҳисобига иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган ҳамма мамлакатларга кўпроқ ёрдам кўрсатиш мумкин бўлур эди деб айтиб келдик ва ҳозир ҳам шундай деймиз.

Давлатларнинг ички тартибларидан, улардаги ҳукмрон ижтимоий тузумдан қатъий назар ҳамма давлатларнинг тинч-тотув яшаши — бугунги асосий масала, халқаро ҳаётдаги масалаларнинг масаласидир. Қуролсизланиш билан мустаҳкамланадиган тинч-тотув яшаш орқалигина мустаҳкам тинчликнинг катта йўлига, инсониятни қирғин жаҳон урушлари ваҳимасидан халос қилиш йўлига чиқиб олиш мумкин. Тинч-тотув яшаш заруратини кенг халқ оммасигина эмас, балки капиталистик мамлакатлардаги кўпгина давлат ва сиёсий арбоблар ҳам тобора равшанроқ тушунмоқдалар.

Лекин тинч-тотув яшаш тушунчасини бузиб тушунтириш тарафдорлари ҳам бор. «Совуқ уруш»нинг энг ашаддий тарафдорларидан баъзилари тинч-тотув яшашни коммунистларнинг қандайдир иблисона найранги деб тасвирлаб, халқларни ҳатто тинч-тотув яшаш билан қўрқитишга уринмоқдалар. Биз қайта-қайта айтдикки, тинч-тотув яшаш кимнингдир ўйлаб чиқарган фикри эмас, балки ҳозирги жаҳонда икки социал система — социализм билан капитализм борлигини акс эттирадиган реал фактдир. Ана шу иккала ижтимоий система ўртасида иқтисодий майдонда мусобақа олиб борилмоқда, идеология кураши кетмоқда. Бу ҳодиса ўз-ўзидан қонуний ҳодиса бўлиб, жамият тараққиётидаги зарур босқичдир. Ҳамма гап у ёки бу системанинг устунлиги ҳақидаги масала қайси воситалар билан — тинч-тотув яшаш йўли биланми ёки ҳарбий тўқнашувлар йўли биланми ҳал этилишидадир.

Икки система мунозараси тинч воситалар билан ҳал этилиши мумкин ва лозим, давлатлар ўртасидаги низоли масалаларни қурол кучи билан ҳал қилиш мумкин эмас. Дунёқарашлар кураши, кишилар ақли ва қалби учун кураш турли ижтимоий системаларга эга бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш шароитида ҳам давом эттирилади. Лекин биз давлатлар ўртасидаги идеология низоларини қурол кучи билан эмас, балки ишонтириш кучи билан, яхши намуна кўрсатиш йўли билан ҳал этишни таклиф қилмоқдамиз. Қуролли кучларни янада қисқартириш ҳақида қарор қабул қилиш билан биз инсониятнинг энг яхши идеалларига мос тушадиган яхши намуна кўрсатмоқдамиз. Биз ҳар бир системанинг тинч тараққиёт процессида ўз афзалликларини кўрсатишинигр тарафдоримиз, бинобарин, ҳар бир давлатдаги халқлар қайси ижтимоий тузумни қўллаб-қувватлашни ўзлари танлаб олсинлар.

Тинч-тотув яшаш — қарама-қарши идеологиялар ҳукмрон бўлган давлатлар ҳарна бўлса-да бир-бирлари билан дўст бўлиб яшашлари, бир-бирларига халақит бермасдан, тинч-тотув яшашлари керак демакдир. «Тинч-тотув яшаш» термини ҳам худди шундан келиб чиққан. Дунёда фақат биргина идеология бўлиб, ҳамма мамлакатларда бир хил ижтимоий тузум ҳукмронлик қилганида эди, антогонистик системалар бўлмаган бўлур ва биз ҳозир гапираётган маънодаги тинч-тотув яшаш проблемаси умуман вужудга келмаган бўлур эди. Унда тинч-тотув яшаш эмас, балки оддийгина яшаш бўлур эди.

Лекин ҳозир дунёда шундай ҳолат вужудга келдики, бунда икки лагерь мавжуд, бу лагерларда жамият турлича тузилгандир. Бу лагерларга кирувчи мамлакатлар ўз сиёсатларини мутлақо турли асосларда қурмоқдалар. Ана шу шароитда тинч-тотув яшаш проблемаси, яъни ўз системаларининг моҳияти жиҳатидан антогонистик бўлган шу икки система ўртасида, шу системалар ҳукмронлик қилаётган давлатларнинг группалари ўртасида ҳарбий тўқнашувлар ҳалокатидан дунёни халос қилиш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиш керакки, улар ўртасидаги бартараф қилиб бўлмайдиган кураш фақат идеологлар ўртасидаги курашга ва тинч мусобақага, капиталистларга тушунарли тилда айтганда, конкуренцияга айланиб кетсин. Бунда ҳар бир томон кишиларга ўз афзалликларини қўлидан келганча кўрсатади, лекин бу низони ҳал қилиш воситаси сифатида уруш истисно қилиниши керак. Биз коммунистлар тинч-тотув яшашни худди шундай тушунамиз. Биз бор кучимиз билан ана шундай тинч-тотув яшашни ҳимоя қилмоқдамиз ва ҳимоя қиламиз ҳамда ҳозирги шароитларда ракета-ядро урушидан иборат фаросатсизлик томон онгли йўл тутилмаса, бундай тинч-тотув яшаш зарур ва мутлақо матлубдир.

Ғарбдаги айрим сиёсатдонлар ҳозир коммунистик назарияни яхши билмайдиган, коммунистик фалсафамизни тушуниб етмаган маълумотсиз кишиларни алдашга ва қўрқитишга уринмоқдалар. Бундай кишиларни коммунистлар коммунистик идеологиянинг ғалабасига ишончлари ва бутун дунёда социализм ва коммунизмнинг оқибат натижада тантана қилишига ишончлари ҳақида гапирар эканлар, шуни билингки, коммунистларнинг агрессив ниятлари бор, улар бутун дунёни забт этмоқчилар, ҳамма халқларга команда бермоқчилар деб ишонтирмоқчилар. Ҳу — сурбетлик билан айтилган ёлғон ва туҳмат гаплар эканлигини исботлаб ўтиришга ҳожат бормикин.

Коммунизм душманлари бизнинг мақсадларимизни шунинг учун бузиб кўрсатмоқдаларки, улар социалистик давлатларнинг тинчликсевар сиёсат билан халқларга кўрсатаётган таъсиридан қўрқаётирлар. Биз бутун дунёни ёки дунёнинг бир қисмини забт этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўямиз деб ҳеч қачон айтмаганимиз ўз-ўзидан маълум. «Забт этиш»нинг маъноси нима? Бунинг маъноси — бошқа томонга куч билан ўз шартларини, ўз сиёсий тузумини, ўз идеологиясини қабул қилдириш демакдир. Лекин бу тинч-тотув яшаш эмас, балки бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш, урушдир. Биз бунга қатъиян қаршимиз.

Халқлар эътироз билдирадиган, халқлар истамайдиган нарсаларни бошқа халқларга куч билан қабул қилдириш мумкин эмас деб ҳисоблаймиз. Коммунистлар қаттиқ ишонадиларки, бирор идеологияни, шу жумладан, коммунистик идеологияни ҳам куч билан, уруш йўли билан қабул қилдириш, найзалар ёрдами билан олиб бориш мумкин эмас.

Лекин ишнинг яна бошқа томони борки, капитализм идеологлари бу томонни ҳам хас-пўшлашга ҳар қандай йўллар билан уринмоқдалар. Коммунизм идеологиясининг, марксизм-ленинизм таълимотининг ёйилишини ҳеч қандай давлат чегаралари тўхтата олмайди. Ҳеч қандай армия инсон тафаккури тараққиётини тўхтата олмайди, ҳатто қўлига қурол олиб халқларни коммунизм ғояларидан сақлаш вазифаси топширилган кишиларнинг ўзлари ҳам кўпинча ана шу прогрессив ғояларни билиб оладилар ва коммунизмга қарши соқчиликдан, капиталистлар таъбири билан айтганда, коммунистик «бацилла» ташувчиларга айланиб кетадилар.

Коммунизм ғояларини ҳеч ким ҳеч қандай найза ва тюрьма билан, ҳеч қандай зулм билан тўхтата олмаслигига оддий сабаб шуки, марксизм-ленинизм меҳнаткашлар туб манфаатининг ифодаси, ҳақиқатнинг ўзгинасидир. Коммунистик жамият тўла ҳаққоний, озодлик, тенглик ва инсонга чинакам ҳурмат негизларига асосланган жамиятдир. Бинобарин, ҳар қандай соқчи қўйма, кишиларни ҳар қандай йўл билан алдама, барибир, улар оқибат натижада сохталик қаердаю, ҳақиқат қаердалигини, нима ёмону, нима яхшилигини тушуниб оладилар. Коммунизм ишининг оқибат натижада ғалаба қозонишига ишончимиз ана шунга асосланади. Коммунизм социалистик мамлакатларнинг бошқа мамлакатларни забт этиши маъносида ғалаба қозонмайди. Йўқ, ҳар бир мамлакатнинг халқи ҳамма фактларни тороза солиб кўради ва у марксизм-ленинизм таълимоти моҳиятини тўғри тушунганидан кейингина ўз ихтиёри билан ижтимоий ҳаётнинг прогрессивроқ формасини танлаб олади.

Қайси тузумнинг энг прогрессив ва энг адолатли эканлигини тушуниш кун сайин осонлашиб борали. Миллионларча кишилар капитализм иллатларини ўз кўзлари билан кўрмоқдалар, ана шу золим тузумнинг бутун оғирлигини ва ҳақсизлигини ўз зиммаларида сезмоқдалар, вақт ўтиши билан улар буни яққолроқ кўрадиган ва кучлироқ ҳис қиладиган бўладилар. Капиталистик мамлакатларда яшаётган халқлар капитализм — бир ҳовуч кишиларнинг дабдабали ҳаёти билан меҳнат аҳлининг оғир, ярим оч ҳаёти ўртасидаги жуда катта тафовутдан, кўчага улоқтириб ташланган ишсизларнинг миллионларча армиясидан, иш билан таъминламаган кишиларнинг эртаги кунига доимо ишончсизлик билан қарашидан иборат эканлигини кўриб турибдилар. Капиталистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари бемор бўлиб қолганда даволанишга, врач чақиришга, қиммат доридармон сотиб олишга пул йўқлиги нималигини, ўз болаларини мактабга юбориш имкониятининг йўқлиги нима эканлигини яхши биладилар.

Капиталистик мамлакатларда кишилар ўз ҳаёт шароитларини ана шу офатларни аллақачонлар унутиб юборган гражданлар яшаётган социалистик мамлакатлардаги ҳаёт шароити билан таққослаб кўрганларида, уларнинг миясига қандай хулосалар келишини тасаввур қилиш қийин эмас. Улар капиталистик экономика тараққиётининг суст суръатини социалистик давлатлар халқ хўжалигининг барқ уриб ўсаётганлиги билан, империалистларнинг «совуқ уруш» ва зўр бериб қуролланиш сиёсатлари билан социализм мамлакатларининг тинчликсевар ташқи сиёсатлари ва уларнинг қуролсизланиш учун олиб бораётган курашлари билан таққослаб кўрсалар, қайси ижтимоий тузумнинг адолатли ва прогрессив эканлиги яққол бўлиб қолади.

Капиталистик пропагандистлар ҳозирча маълумоти оз бўлган айрим кишиларни коммунизм билан қўрқитишга эриша олаётган эканлар, ишонч билан айтиш мумкинки, бу фақат муваққат бир ҳолдир. Бу, кишиларнинг ўзлари аҳволни тушуниб олганларидан кейин ҳозир адашиб юрганликларидан уларнинг ўзлари уялади, ҳар бир бобо ҳам бир вақтлар коммунизмга қарши бўлганлигини ўз набираларига айтишга юраги дов бермайди.

Капитализмнинг айрим узоқни кўрадиган идеологлари ва сиёсатдонлари ўзлари яшаётган ва ҳимоя қилаётган ижтимоий тузумнинг тарихан маҳкум этилганлигини тушунабошладилар. Улар бундан қўрқмоқдалар, шу муқаррар кунни узоқлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Фактларни ҳар қандай йўллар билан бузиб кўрсатмоқдалар, омма онгини чиралаштириш мақсадида нарсаларни ўз номи билан аташдан кочмоқдалар.

Масалан, иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатларга «ёрдам» кўрсатиш учун давлат арбоблари ва сиёсатдонларининг Ғарбда тобора кўпроқ эшитилаётган овозларини олиб кўрингиз. Бу мамлакатлардаги очларни боқиш керак, бўлмаса улар ўз ҳуқуқларини талаб қилиб чиқар эмишлар. Бу чакириқлар олижаноблик, инсонпарварлик сингари ҳар хил чиройлик сўзлар билан қўшиб айтилади, албатта. Лекин бу гаплар ҳақиқатда нимани кўрсатади? Бу гаплар оламларни севиш ҳақидаги христианлар эътиқолини эмас, балки монополистларнинг энг оддий ва худбинларча ваҳимага тушганликларининг ўзгинасидир.

Империалистлар, мустамлакачилар ҳозир шу қадар «олий химматлик» билан ёрдам бермоқчи бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларини ўнларча ва ҳатто юзларча йиллан бери талаб келдилар. Улар ана шу мамлакатларнинг битмас-туганмас ер ости бойликларини қазидириб олдилар, бу бойликларни қазиб берган кишиларни эса атайин очлик ва жаҳолатда сақладилар, уларни шафқатсизлик билан эксплуатация қилдилар. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ўнларча давлатларнинг ҳозир камбағал бўлиб қолганига, иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатлар категориясига кириб қолганига сабаб ана шудир. Бундай бўлишига уларнинг ерлари бошқа мамлакатларнинг ерларига қараганда камбағал бўлгани, ёки аҳоли қобилиятсиз ва меҳнатни ёқтирмагани сабаб бўлгани йўқ, балки ажнабий эксплуататорларнинг ана шу мамлакатлар меҳнати ва бойлигидан фойдаланганлари, уларнинг ҳисобига бойиганликлари сабаб бўлди. Натижада шундай ҳол вужудга келдики, метрополия бўлган капиталистик мамлакатлардаги аҳоли жон бошига ҳар йили миллий даромаднинг бир минг, икки минг долларигача даромад тўғри келса, қолоқ мамлакатларда юз долларга етар-етмас ва ҳатто ундан ҳам кам даромад тўғри келади.

Таланиб келганлар ўзларини ким талаганлигини, кимнинг айби билан ана шундай қашшоқ аҳволга тушиб қолганликларини тушунадиган пайт келди. Бинобарин, улар буни эслатиб ўз овозларини баралла эшиттирмоқдалар. Шунинг учун мустамлакачилар қасос пайти яқинлашганини сеза бошладилар ва бу ҳоллан ҳарна қилиб бўлса ҳам қутилишга уринмоқдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ривожланаётганлиги мустамлака ёки собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлари онгининг ўсиши учун жуда катта роль ўйнади, албатта. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг муваффақиятли ривожланаётганини ҳамма кўриб турибди. Бу мамлакатлар, масалан, Хитой ва айрим бошқа мамлакатлар бир вақтлар эксплуатация қилинувчи ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ мамлакатлар ҳолатида эди. Бугун эса улар ўз қиёфаларини мутлақо ўзгартирдилар, экономика, маданиятни ривожлантиришда, янги жамият қуришда жуда катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бу билан социалистик давлатлар социализмнинг энг адолатли, энг прогрессив ижтимоий тузум сифатидаги афзалликларини яққол намойиш қилмоқдалар. Жаноб капиталистлар бу фактлардан қочолмайдилар, улар марксизм-ленинизм таълимотимизни қанча бузиб кўрсатмасинлар, бизни қанча ёмон отлиқ қилмасинлар, барибир, халқлар тобора етилиб бормоқда. Улар эксплуататорлар зулмидан халос бўлишгина ўзларига ҳақиқий озодлик, тинчлик, бахт-саодат келтиришини кўрмоқдалар ва шунга тобора кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Ўз умрини яшаб бўлган капиталистик жамият ўрнига ҳар бир меҳнаткаш кишига тенг шароит таъминлайдиган, ҳамма ноз-неъматларни берадиган янги, адолатли жамият келмоқда. Бу янги жамият йўли озодлик, тенглик, мўл-кўлчилик ва тинчликнинг ажойиб гулларидан иборат. бинобарин, унинг ғолибона қадамини тўхтатиб бўлмайди. Тарихий тараққиётнинг қонуни шу.

* * *

Депутат ўртоқлар! КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг топширигига биноан мен сизларга қуролли кучларни қисқартириш юзасидан янги таклифларни баён қилиб бердим. Бу таклифларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муҳим ҳиссаси бўлади.

Совет халқи ўз кучига, ўзининг ажойиб коммунистик истиқболига ишонади. Шу сабабли биз дадиллик, изчиллик ва қатъият билан бундан буён ҳам қуролсизланишга ва тинч-тотув яшаш шароитини таъминлашга эришамиз. Совет кишилари катта ва кичик бошқа давлатларнинг ҳам ана шу йўлга тушиб олишлари учун ҳамма чораларни кўрадилар.

Совет Иттифоқи коммунистик жамият қуриш йўлидан оғишмасдан бориб, бундан буён ҳам халқлар ўртасидаги тинчликлар иборат улуғ ишни қатъият билан ҳимоя қилади.

Яшасин бутун дунёда тинчлик!

**(Ўртоқ Н. С. Хрушчев доклади гулдурос давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

ҲАЁТ СУВИ



— Бу ердан албатта тузалиб кетасиз,— дейди янги келган бетобга қабулхона ҳамшираси С. В. Бородкина.

— Тузалибсиз. Бир йил ўтказиб яна келинг, танингиздан дард бутунлай арийди,—дейди врач Ю. М. Антонов.

Хиёбонда онаси билан ёнма-ён келаётган қизча ранго-ранг очилган гуллар томон югуриб бордию, қилқизил атиргулнинг бандидан авайлаб ушлади, аста эгиб бурнига тутди, тутдигина эмас, унинг бўйини симириб олди. Қизининг шу атиргулдай хандон очилган чеҳрасини кўриб севинчи ичига сиғмаган она унинг ёнига келди, оқ пушти атиргулни кўрсатиб:

— Наташа, мана буниси жудаям чиройли экан, ҳидлаб кўр-а,— деди уни севиб.

Қизча бандидан аста ушлаб уни ҳам ҳидлади. У ҳозир майин эсиб, юзларидан ўпиб учаётган тоғ шабадасидан ҳам енгил, беҳад хуррам эди; у гоҳ гулларга, гоҳ атрофдаги одамларга боқар, мовий кўзлари чақнаб ёнарди, шу анвойи хил гўзлорни, шу яшиллик оламини, баланд осмонни, бутун борлиқни қучоқлаб олгиси келарди...

— Шу қизча қайта туғилди, гўё оламга янгидан келди,— деди шифохона бош врачи Аҳмад Сайдалиев унга мамнун тикилиб.

Наташа гулзор оралаб кетди. Хиёбон четида қизчасини кузатиб турган бахтиёр онанинг ёнига бордик. Наташанинг, шу кувноқ қизчанинг дард чангалида тортган азобини бизга у гапириб берди.

Бола мактаб остонасига энди қадам қўяй деганда ёмон касал уни кўрпага ётқизиб қўйибди. Даволатибдилар. Лекин қизча оёққа турмабди. Болани икки йил давомида доктормадоктор, касалхонама-касалхона кўтариб юрибдилар. Одамлар Чортоқ сувининг хосиятини таърифлабдилар. «Кўп кишилар, неча йиллаб кроватда ётиб қолганлар, ҳатто болалар шу ердан дардларига шифо топиб кетишяпти, сиз ҳам болангизни олиб боринг, зора юриб кетса» дейишибди улар.

Наташа бугун сўнгги марта ваннада ҳузур қилиб чўмилади. Кейин ойиси билан Тошкентга, уйларига кетади, мактабга боради, болалар билан ёнма-ён ўтириб ўқийди, танаффусда югуриб ўйнайди.

— Хурсандлигимни таърифламасам ҳам ўзларингиз кўриб турибсизлар. Ҳаёт суви экан бу, Наташамни ҳаётга шу қайтарди, — деди она зўр миннатдорлик ва ҳаяжон билан.

Наташа гулзордан чиқиб келди. Ҳар қалай, бояги қизил гулни узиб олибди, ҳидлай-ҳидлай онаси ёнида ваннада чўмилишга кетди. Онанинг кувончи бизга ўтди. Улар кетидан тикилиб қолдик.

Гулзор хиёбон бўйлаб юрдик. Йўлна лабига қатор экилган ёшгина чинорларнинг тўқ яшил шападоқ барглари сентябрь қуёшининг олтин шуъласида қизғиш ранг югуриб тозаланар эди. Балконлари гулзорларга қараган кўркам, шинам корпуслар. Шу чинорлар, шу гуппак садалар ўсиб вояга етса, бу ер республиканинг энг гўзал, энг катта курорти бўлиб қолади. Ҳавосининг тозалигини, эртаю кеч ғир-ғир эсган дилрабо шабадасини айтмайсизми!

Хиёбонда дугонасига аллақандай қизиқ гап айтиб, ўзи ҳам хандон кулаётган аёлга рўпара келдик. У, пимагадир, кул-кула шахдам юриб, дугонаси билан корпус зинасига кўтарилди.

— Хатира Собирова, — деди бош врач.— Жуда оғир касалдан халос бўлди бу хотин.

Бу аёл ўн бир йил тинимсиз оғриқ азобини тортибди. Чортоққа охирги умид билан келган экан. Врачлар, шафқат ҳамширалари унга далда беришди, кўнглини кўтарибди: «Бу ердан албатта тузалиб, ўз оёғингиз билан юриб кетасиз». У дастлаб бу гапга ишонмабди: ўн бир йил давомида курортдан-курортга борган, қанчадан-қанча дори ичган, лекин биттасидан ҳам дуруст шифо топмаган, бел суяклари ва оёқларининг зирқираб оғриганидан тунлари мижжа қоқмай тонг оттирган одам битта гапга, гарчи умид бағишловчи гап бўлса-да, дарроз ишонадими?

— Ишонаверинг, ҳа демай оёққа босасиз, — дейишди, уни носилкада кўтариб келиб, ваннага солаётган ҳамширалар.

Ҳа, ўнинчи ваннадан кейин уни кўтариб келмадилар. У ўз оёқлари билан юриб келди. Мана энди ўзига ўхшаш дард билан келганларга у далда беради: «Шу ердан албатта тузалиб кетасиз, ишонаверинг». Ахир, бор овозини қўйиб у кулмай ким кулсин!

Чортоқ сувидан шифо топганлар, ҳаётга, жўшқин меҳнатга қайтганларнинг кўпи хат ёзиб туради. Сайдалиев бугун олган шундай хатларидан бирини бизга ўқиб берди. Сталинграддан келиб даволанган Н. П. деган аёл, аъзойи баданимни босган ярадан битта ҳам қолгани йўқ, ҳозир ҳеч касал бўлмагандайман, оғриқдан тамом қутилдим. Ишлаяпман, жамиятимиз аъзолари қаторида сог-саломат бўлиб қолганим учун беҳад қувонаман, ҳаммаларингиздан жуда миннатдорман, деб ёзибди.

Чортоққа даволаниш учун республиканинг шаҳар ва қишлоқларидан, бутун мамлакатдан меҳнаткашлар келиб, унинг ҳаётбахш сувидан баҳраманд бўлиб кетмоқда.

Чортоқ суви тоғлар этагидаги икки ёнида баланд малла тепалар қад кўтарган водийда. Хушҳаво, хушманзара жой. Нефть қидирувчилар ковлаган қудуқдан отилиб чиққан қайноқ сувнинг хусусияти дарҳол текширилди. Орадан кўп ўтмай одамлар орасида «шифо суви» деган хушхабар ёйилди. Чортоққа келиб даволанувчилар тобора кўпайди. Ўшанда, ўн икки йил олдин, бу ердаги қўрғанча ичидаги кичик иморатда бешта ванна бор эди, ўттиз ўринли касалхона сув манбаидан ўн икки километр пастда эди. Ҳозир эса бундаги стационарнинг ўзидагина ойига 250 киши ётиб даволанади.

Бўлғуси курортнинг бешолти йил илгари экилган дарахтлари вояга етмоқда, боғлар мева бермоқда, янги чиройи кўзни қувонтирадиган корпуслар қад кўтармоқда.

— Олтмиш биринчи йилда курортнинг биринчи навбати ишга тушади, — дейди бош врач Аҳмад Сайдалиев. — Кейинчалик бу ерлар тамом ўзгариб кетади, янги қиёфага киради. Чортоқ республиканинг биринчи курорт шаҳри бўлиб қолади.

Ҳа, курорт албатта очилади, Хаёт, юксалишимиз талаби шу. Лекин бунинг учун ҳали кўп, жадал иш қилиш керак бўлади. Бу — республика Соғлиқни сақлаш министрлигидан курортнинг биринчи навбатини тез битказиб ишга солишни, иккинчи навбатини қуришга ҳозирдан тайёргарлик кўриш ва бошлашни талаб қилади.

Чортоқ Иттифоқ миқёсидаги шифо жойига айланади.

Йўлдош ШАМШАРОВ.

— Қони анча яхшиланипти, — дейди лаборант Н. Березина.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

*ДЎСТОНА ЁРДАМ.
*ИНДОНЕЗИЯДАН ХАБАР
* ТУРКИЯДА ҚИММАТ-ЧИЛИК * ФАШИСТЛАР ҚУТИРМОҚДА

ИРОҚҚА ЁРДАМ

Ироқ республикасига миллий ишчи кадрлар тайёрлашда техника ёрдами кўрсатиш тўғрисида музокаралар олиб борган совет делегацияси Бағдоддан Москвага қайтиб келди. Бу музокаралар натижасида тегишли битим имзоланди. Битимга мувофиқ, Совет томони Ироқ республикасига ўнта профессионал-техника ўқув юрти ташкил этишда ёрдам кўрсатади. Бу ўқув юртлари бирйўла тўрт минг йигит ва қизни тайёрлаб бера оладиган йирик марказлар бўлади. Бизнинг юртларимиз металл ишлаш, нефть чиқариш ва нефть маҳсулотларини қайта ишлаш, тўқимачилик саноати, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги учун малакали ишчилар тайёрлаб беради.

Дастлабки пайтларда бизнинг юртларида совет мутахассислари таълим бериб турадилар. Бундан ташқари, Совет Иттифоқи Ироқ Республикасига ўз ўқитувчиларини ва ишлаб чиқариш таълими билан шуғулланувчи усталарни тайёрлашда ёрдам беради. Бунинг учун Ироқ мутахассисларининг бир группаси СССР га келади. Улар профессионал-техника таълими давлат комитетининг ўқув юртларида амалий малака ҳосил қиладилар.

АДОЛАТЛИ ТАЛАБ

БЕРЛИН, 14 январь. (ТАСС). Кеча демократик Берлиннинг энг катта залларидан бири — «Фридрихштадтпаласт»да бўлиб ўтган митингга шаҳарнинг иккала қисмидан келган минглаб берлинликлар: «Тинчлик йўлида курашувчилар озод қилинсин! Бонн милитаристлари ва фашистларининг ҳаракатларига хотима берилсин! Битимга келиш, қуролсизланиш, хавфсизлик таъминлансин!» деган талабларни илгари сурдилар.

Митингда сўзга чиққан нотиқлар Дюссельдорфдаги шармандали судга хотима бериш талаб қилинди ва бу талабни митинг қатнашчилари қизғин маъқулладилар.

Шунингдек, нотиқлар Ғарбий Германияда фашистларнинг ва ирқчиларнинг хуружларига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

СУКАРНО ҚАРОРИ

ЖАКАРТА, 13 январь. (ТАСС). Антара агентлигининг хабар беришича, Индонезия республикаси давлат ҳокимиятининг муваққат олий органи — Олий маслаҳат кенгашининг состави тўғрисида президент Сукарнонинг қарори матбуотда эълон қилинган. Бу қарорга мувофиқ, кенгаш составига ҳозирги парламентнинг аъзолари, вилоятлар ва айрим маъмурий районларнинг 94 вакили ва аҳоли турли группаларининг 200 вакили, шу жумладан деҳқонлардан 40 киши, ишчилар ва хизматчилардан 40 киши, қуролли кучлардан 45 киши ва бошқалар киради. Қарорда кўрсатиб ўтилишича, кенгашда қатнашиш учун «1945 йилги конституцияга қайтишга ва президентнинг сиёсий манифестига» рози бўлиш зарур шарт ҳисобланади.

СУВ ТОШҚИНИ

АФИНА, 13 январь. (ТАСС). Матбуотнинг хабарларига қараганда, Грециянинг шимолидаги Комотини районида жуда кўп ёмғир ёққанлиги натижасида кучли сув тошқини бўлган. Комотини шаҳрини ва унинг атрофидаги бир қанча қишлоқларни сув босган. Бу ердаги юзларча уй вайрон бўлган ёки зарарланган. Ана шу районда темир йўл ва телефон алоқалари узилган.

Мингларча кишилар бошпанасиз қолган, яradор бўлганлар ва бедарак йўқолганлар бор. Дастлабки ҳисобларга қараганда, сув тошқинидан кўрилган зарар 3,5 миллион долларга етади.

ҚИММАТЧИЛИК

АНҚАРА, 13 январь. (ТАСС). «Янги кун» газетаси статистика бош бошқармасининг маълумотларига асосланиб хабар берадики, Туркия қимматчилик жиҳатидан дунёда иккинчи ўринни эгаллаб турибди. 1959 йилнинг охирида, деб ёзади газета, Туркиядаги тирикчилик минимуми 1953 йилдагига нисбатан 208 процент ошди.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

▲ **Будапештда ЕССР билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида 1960 йилда маданий ва илмий ҳамкорлик қилиш плани имзоланди. План маданият, фан, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқа кўпгина масалалар юзасидан ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришни кўзда тутади.**

▲ **Афғонистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги мавжуд битимга мувофиқ. Кушка — Ҳирот—Қандаҳор автомобиль йўли қурилишида Афғонистонга совет техника ёрдамини кўрсатиш тўғрисида 11 январда Кобилда шартнома имзоланди. Йўлнинг узунлиги 750 километр.**

▲ **Рейтер агентлигининг хабар беришича, Лондонда янги курслар очилган. Бу курсларнинг тингловчилари Совет Иттифоқи экономикаси масалаларини, шунингдек СССР билан савдо муносабатларини ўрганадилар.**

▲ **Италияда чиқадиган газеталарнинг маъмурий хизматчилари ва босмахона ишчилари, шунингдек Италия информация агентликларининг ходимлари янги умуммиллий коллектив шартноманинг тузилишига эришдилар. Янги шартнома меҳнатга ҳақ тўлашни яхшилашни кўзда тутади.**

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30 — мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Пионер босқичлари» деган эшиттириш. 19.55—халқаро масалалар бўйича обзор (рус тилида). 20.10 — ҳужжатли фильм «Олам ва ҳаёт», 21.00 — сўнгги ахборот. 21.20 — ўзбек тилида шоир Муса Жалилга бағишланган эшиттириш. 21.50 — оперетталардан ария ва саҳналар

ГИТЛЕРЧИЛАР БОШ КЎТАРМОҚДА

ХАЛҚАРО ТЕМАДА

Матбуот хабарларига кўра, кейинги вақтларда Ғарбий Германияда, шунингдек Ғарбий Европа мамлакатларида фашистлар ўз фойдасига ишлаётганлар ва ирқчиларнинг кучайтирганлар. Ғарбий Германия шаҳарларида, Австрия, Англия, Франция, Бельгия, Италия ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида фашист элементлар йиғилишлар ўтказганлар, жамоат биноларида, кўча ва йўлкаларда фашист белгилари пайдо бўлган, фашистлар яҳудийларга қарши шиорлар ташлаганлар.

«Берлингер цейтунг» газетасининг билдиришича, бундай реакцион ҳаракатлар Бонн разведкаси томонидан уюштирилган. Бонн разведкасига гитлерчи генерал Гелен раҳбарлик қилади. Бу шпионлар ташкилотида 1.420 амалдор ва 5.000 га яқин агент хизмат қилади. Гелен разведкаси бевосита Аденауэр канцеляриясига итоат қилади. Бундан кўриниб турибдики, Ғарбий Германия ва Ғарбий Европа мамлакатларида авж олган фашистлар ҳаракати Бонн ҳукмронларининг ташаббуси билан бўлган.

Бонн ҳукмронлари, биз фашистларга қаршимиз, гитлерчиларни коралаймиз, деб даъво қиладилар. Ҳақиқатда эса улар жаҳон халқларига, жумладан немис халқига оғир кулфат келтирган жиноятчиларни, собиқ фашистларни ҳимоя қилмоқдалар, уларнинг бошини сийпамоқдалар. Айни вақтда Бонн ҳукмронлари тинчлик, демократия тарафдорларини, прогрессив ташкилотларни қувғин қилмоқдалар. 1000 дан ортиқ милитарист ташкилотлар урушни, «улуғ германияни барпо қилишни» бемалол тарғиб қилаётган бир вақтда, 100 дан ортиқ демократик ташкилотлар, шунингдек компартия тақиқ қилинди. Ҳозирги кунларда эса бир группа тинчлик тарафдорлари устидан суд ўтказилмоқда. Яқинда Ғарбий Германияни айланиб чиққан «Дейли миррор» газетасининг мухбири Денис Мартиннинг хабар беришича, мактабларда немис ёшлари реваншизм, фашизм руҳида тарбияланмоқдалар. Нацист ўқитувчилар, «Гитлер улуғ саркарда эди, немис миллати олий ирқ», деб ўқувчиларнинг онгини заҳарламоқдалар.

Канцлер Аденауэр бошлиқ Ғарбий Германия ҳукмрон доиралари мамлакат ичида фашистлар фаолиятига кенг йўл очиб бериш билан бирга, Германия ва Ғарбий Берлин масаласининг тинч йўл билан ҳал қилинишига қарши чиқмоқдалар. Реваншистлар тинч-тотув яшаш сиёсатини инкор этиб, Ғарбий Европада жанжал чиқаришга интилмоқдалар.

Куни кечагина Аденауэр тўсатдан Ғарбий Берлинга келиб, Ғарбий Берлин шаҳар депутатлар кенгашининг фавқулодда мажлисида нутқ сўзлади. Канцлер ўз нутқида Ғарбий Берлинда оккупацион ситуасни сақлаш керак, деди ва бўлажак улуғ давлатлар кенгашида Ғарбий Берлин масаласининг ҳал қилинишига тўсқинлик қилажагини билдирди. Шунингдек Аденауэр бургомистр Брандтнинг Ғарбий Берлинни Ғарбий Германияга қўшиш программасини қувватлади. Канцлер ўз нутқида тинч-тотув яшаш сиёсатини қоралаб, Совет Иттифоқига қарши туҳмат гапларни айтди.

Ғарбий Германия ва Ғарбий Европа мамлакатларидаги фашистлар хуружи ва Аденауэрнинг Ғарбий Берлинда сўзлаган нутқи тараққийпарвар инсониятни, айниқса немис халқини дарғазаб қилди. Жаҳон халқлари, шунингдек барча немис меҳнаткашлари Боннинг реакцион сиёсатини қаттиқ қоралямоқдалар. Ғарбий Германия агентлиги ДПАнинг хабарига кўра, Ғарбий Берлиннинг ўн мингларча ёшлари фашистлар хуружига қарши норозилик марши ўтказганлар. Шунингдек Ғарбий Германиянинг кўпчилик шаҳарларида ўтаётган норозилик митинглари ва намойишларда немис аҳолиси фашизмни, милитаризмни нафратламоқда.

А. СОЛИХОВ.

АФҒОНИСТОН МИННАТДОР

КОБИЛ, 13 январь (ТАСС). «Ислоҳ» газетаси Кушка—Ҳирот—Кандаҳор йўлини қуришда Совет Иттифоқи Афғонистонга техника жиҳатидан ёрдам кўрсатиши ҳақида шартнома имзоланганлиги муносабати билан бундай деб ёзади: бу шартноманинг имзоланиши мамлакатни тараққий этириш ва аҳолининг фаровонлигини юксалтириш йўлида қўйилган яна бир қадамдир. Бу йўлнинг қурилиши мамлакатнинг ғарбий районларини ривожлантиришга ёрдам беради, шунингдек СССР билан Афғонистон ўртасидаги товар айирбошлашни тағин ҳам кенгайтириш учун шароит вужудга келтиради.

«Ислоҳ» газетаси совет мутахассислари мамлакатнинг марказини шимолий районлар билан боғлайдиган ва Саланг орқали ўтадиган йўлни ҳозирданоқ қурабошлаганликларини қайд этиб, бизнинг дўст қўшнимиз—Совет Иттифоқи мамлакатимизни тараққий этириш планларини бажаришда бизга ёрдам бермоқда, деб кўрсатиб ўтади. Ана шу ёрдам дўстона муносабатларимизни мустаҳкамлашда катта роль ўйнамоқда. Янги шартнома имзоланганлиги, деб ёзади пировардида газета, ҳар иккала мамлакат ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида қўйилган яна бир қадамдир.

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ ҲАФТАЛИГИ ОЛДИДАН

КАТТА ТАРАДДУД

Қардош Озарбайжон адабиёти ҳафталиги яқинлашиб қолди. Азиз меҳмонларни республикамизга чорлаган Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзида кеча кенгайтирилган Секретариат мажлиси бўлди. Правление секретари Ҳамид Ғулом «Тошкентда Озарбайжон адабиёти ҳафталигини ўтказишга тайёргарликнинг бориши» ҳақида ахборот берди.

Бокудан олинган расмий хабарга кўра, Озарбайжон ёзувчилари ва маданият арбоблари 19 январда Тошкентга учиб келадилар. 20 январда Озарбайжон адабиёти ҳафталиги бошланади. Меҳмонлар Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона шаҳарларида ва Қорақалпоғистон АССРга бориб адабий кечаларга иштирок этадилар, республикамиз ҳаёти билан танишадилар.

Мажлисда «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока» журналлари, «Ўзбекистон маданияти» газетаси редакцияларининг ва Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриётининг ҳафталикка қандай асарлар чиқаражакликлари ҳақида фикр олишув бўлди.

БИР СМЕНАДА

ЎҚУВЧИЛАР ЁРДАМИДА

Тошкент шаҳар, Калинин район мактабларида машғулотларни бир сменага кўчиришда колхоз, совхоз, РТС ва оталиқ ташкилотлари халқ маорифи органлари ходимларига катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Дастлабки ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозир райондаги 63 мактабнинг 23 тасида машғулотлар бир сменага кўчирилди. Энди бу ерда қўнғироқлар эрталаб жаранглямоқда. Мактабларнинг бир сменага кўчиши ўқувчилар учун ҳам, ўқитувчилар учун ҳам қулайдир. Бу қулайликни яратишда «Назарбек», «Тошкент» совхозлари ва «Қизил Шарқ», Ленин номли, Хрушчев номли колхозлар айниқса фаол ёрдам бердилар. «Назарбек» совхози 36-мактабга тўртта, 52-мактабга иккита, 62-мактабга тўртта хона ва устаханалар, 51-мактабга ҳам янги бино қуриб берди.

Бир сменали машғулотга кўчишда ўқитувчи, ўқувчилар, комсомоллар яхши ташаббус кўрсатдилар. 35-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари мактабда қурувчилар бригадаси ташкил этиб, 50 мингдан ортиқ ғишт қўйдилар. Мактаб саҳнида янги хоналар тикладилар ва шу йилнинг ўзидаёқ бир сменали машғулотга кўчдилар. 35-мактаб комсомол ва ўқувчиларидан намуна олган 34-36-37-38-31-45-мактаб коллективлари ҳам комсомол бригадалари тузиб, мактабларида теплица, дурадгорлик, слесарлик устаханалари, янги синф хоналари қурдилар ва бир сменали машғулотга кўчдилар.

Шу кунларда район партия ва совет ташкилотлари, халқ маорифи бўлими бошқа мактабларни ҳам бир сменали машғулотга кўчириш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Ю. ЗИЕДОВ.

Редактор ўринбосари Қ. УЗОҚОВ.

ДЎСТЛАР ШЕЪРИ ПАРВОЗДА

Коммунизм, тинчлик, меҳнат, инсон тақдири, она ва фарзанд меҳри, Ватанга садоқат, дўстларга мурувват темаларини тараннум қилган шеърларимиз қитъалар оша учиб, умид қалдиргочлари сингари дилларни эзгу-шавққа тўлдираётганини ким билмайди дейсиз. Шунинг учун ҳам тинчлик ва фароғат ҳақида ўқилган шеърларнинг ошиқлари беҳисоб. Ҳозир шеърдан баҳра олмаган, уни ўқиб руҳланмаган китобхон топилармикан орамизда!

Шеърни кўнгил булоғидан бидирлаб чиққан ҳаёт чашмаси дейишлари ҳам бежиз эмас. Ахир, шоир тер тўкиб ёзган шеърнинг ҳар бир мисрасида ақли-фаросати, ижоди билан ҳаммани қойил қолдираётган совет кишисининг туйғулари тасвирланади. Ёшларимиз, фан чўққиларига интилаётган қизларимиз, қўшиқни жондан севган шеърхон халқимизнинг поэзияга бўлган ихлоси тобора ортиб бораётганлиги боиси ҳам ана шунда.

Пойтахтимизга ташриф буюрган санъаткор ё ижодкор азиз меҳмонимиз бўлиб сийланади, иззатда бўлади. Уларнинг ижодий кечалари мароқ билан ўтади, китобхонлар ва санъат шинавандалари билан учрашувлар бўлади. Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйи ҳам қардош халқлар адабиёти ва санъатининг бир минбарига айланиб қолди. Тўғриси, бу залда адабиёт кечаларининг ўтказилиши, ога-ини адабиётлар намояндаларининг мушоира қилиши маданий ҳаётимизда анъана тусига кириб қолди.

13 январь оқшоми чиндан ҳам файзли оқшом, шоир оқшоми бўлди. Республикамизда меҳмон бўлиб турган москвалик шоирлардан Константин Симонов, Александр Яшин ва Владимир Солоухин ўртоқлар ижодига бағишлаб ўтказилган рус шеър кечаси кўнгилдагидан ҳам зиёда бўлди. Шеърхонлар кўп йиғилди — улар орасида адабиёт ҳаваскорларини, олий мактаб студентларини, ўқитувчиларни, турли касб эгаларини, республикамизнинг атоқли ёзувчиларини кўриш мумкин эди. Бу ерга шеърни севганлар, ёзилажак асарларнинг қаҳрамонлари, китобхонлари келишган эди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ҳамид Ғулом қардош республикалар адабиёти ҳафталиклари, айрим шоирларнинг ижодий кечалари дўстликнинг энг яхши тимсоли эканлигини, бу анъана маданий алоқаларни мустаҳкамлашда ижобий самаралар бераётганлигини уқтириб ўтди. Кейин шеърхонлик бошланди.

Минбарга Сталин мукофоти лауреати, атоқли шоир Александр Яшин кўтарилди. Шоир дастлаб шеър темаси, ижодий меҳнат машақкати ва яратилган ҳар бир шеърнинг узоқ умр кўриши ҳақида ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди. Сўнгра китобхонларга машҳур ва манзур бўлган гражданлик лирикасининг яхши намуналаридан «Номус ва виждон», «Бургут», «Уткинчи ёш», «Яхшиликка ошиқинг», «Қуёнча», «Она», «Қилич», «Саҳро», «Тонгда ҳеч ким ўлмайди» деган шеърларини ўқиб берди. Бу шеърлардаги бадиий соддалик, равонлик, ҳикматли иборалар, чуқур ҳаётий-фалсафий умумлашмалар ўқувчиларни тўлқинлантирди ва ўйлантирди.

Шоир Владимир Солоухин ижодида сиёсий лирика марказий ўринни ишғол қилади. Унинг кечада ўқиган «Учоқ», «Қалдиргоч», «Юлдузлар ёмғири», «Қишлоқ», «Тоғдан тушган қиз», «Дон», «Севги», «Олма» ва «Қудуқ» шеърлари чуқур гуманизм ва ватанпарварлик руҳи билан суғорилганлиги учун юракларда ўрнашиб қолди.

Кечада севимли шоир Константин Симонов қизғин кутиб олинди. У, шеър муҳлисларига яқинда нашрга тайёрлаган китобидан Ҳамид Олимжоннинг «Севги», Ҳамид Ғуломнинг «Сўнгги кўприк» шеърларини ўз таржимасида ўқиб берди.

Шеърхонлар москвалик шоирларнинг шеърини мароқ билан тингладилар. Адабий кечада Миртемир, Рамз Бобожон, М. Бобоев, В. Костиря ўртоқлар ўз шеърларини ва таржималарини ўқидилар.

Рус поэзияси кечаси жуда мароқли ўтди. Китобхонлар бу кечадан кўп нарса ўргандилар. Қани энди, Узбекистон ёзувчилар союзи бундай шеър кечаларини саноат корхоналарида, олий мактаб клубларида, колхозларда тез-тез ўтказиб, халқимизнинг шеърга бўлган чанқоқлигини қондириб турса!

Е. МИРЗА.

Суратда: (чапдан ўнгга) шеър кечасида қатнашган рус шоирларидан **Владимир Солоухин, Александр Яшин** ва **Константин Симонов** ўртоқлар.

А. Палехов фотоси.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/I да **Тоға-жиянлар** (билетлар сотилган), 16/I да **Фурқат** (билетлар сотилган).

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/I да **Травиата**, 16/I да **Балет кечаси:** 1-бўлимда Шопениана, 2-бўлимда балетлардан парчалар. Ўзбекистон ССР халқ артисти **Галия Измайлова** қатнашади.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 15/I да **Равшан ва Зулхумор**, 16/I да **Фарғона ҳикояси.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 18/I гача **Циркда Арча**. «Айиқлар кўргани борамиз» томоша кеч соат 6 да бошланади. Якшанба куни 3 марта томоша кўрсатилади (кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да)).

КИНО

Қутқарилган авлод — «ИСКРА» (3-залда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ВАТАН» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 6 да). СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 11-45 минут ва кеч 6-45 минутда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кеч 5 ва 9 да).

Юлдузлар Москвада учрашади — «СПУТНИК» (2-залда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Гирдоб — «ВАТАН», «ИСКРА» (1 ва 2-залда). «СПУТНИК» (1-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 3, кеч 7 ва 10 яримда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

15 январда

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ ОРКЕСТРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Оркестрнинг бадиий раҳбари ва бош дирижёри — **Санд Алиев.**

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Коммуна Исмоилова**, Жаҳон фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Мирза Тоиров**, филармония солистларидан **Тўхта Йўлдошева, Тоштемир Шариповлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

15, 16, 17 январда

Катта концертлар

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Эргашхон Мирмаҳмудова, Муҳаммаджон Мирзаев, Учқун Ғаниев, Убайдулла Мадраҳимов, Рушель Мордухаев**, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Жалол Осимов**, солистлардан **Жуманазар Бенчонов, Фахриддин Умаров, Роза Қурбонова, Тўхта Рисметова, Нина Гайер, Муҳаббатхон Мусаевалар** қатнашади.

Концерт кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасининг экранига

КИНОУСТАНОВКАЛАР

ОТАЛАР МАКТАБИ

НОМЛИ ЯНГИ КИНОПОВЕСТЬ ЧИҚАРАДИ.

Сценарий авторлари — **Иван Кржиж, Ладислав Гелге.**

Постановкачи режиссёр — **Ладислав Гелге.**

Бош ролларда **Карел Гегер, Блажена Голишова, Йозеф Микса.**

1960 йил 25 январь кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-ўй, Фанлар академияси президиумининг конференц-зали) қуйидагилар биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

диссертация ёқлайдилар

У. Убайдуллаев: «Ғарбий Тянь-Шань адирларидаги эфемероид ва эфемер ўсимликларини анатомо-экологик жиҳатдан текшириш» деган темада.

Н. С. Перепелицина: «Жайдари билан саража, жайдари билан липкольн, жайдари билан ставрополь меринос қўйлари биринчи бўғин дурагайининг тери ва жунидаги баъзибир хусусиятлар» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-ўй).

«Ўзтрансспецстрой» трестининг махсуслаштирилган 4-БОШҚАРМАСИГА

Сҳангарон ва Олмалиқ шаҳарларига чиқиб бориб, водопровод ва канализациянинг ташқи тармоқларига доир мастер ва прораб вазифасида ишлаш учун **инженер-техник ходимлар**

керак

Уй-жой билан таъмин қилинади. Тошкент шаҳар, М. Горький кўчаси, 1-й тупик, 6-уйда бошқарманинг кадрлар бўлимига учрашилсин.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРГА

театр билетларини сотувчи **район кассирлари**

керак

Адрес: Бируний майдони (Бешёғоч). Иш соатларида учрашилсин.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-ўй. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** партия турмуши ва маҳаллий матбуот — 27604. Пропаганда ва чет эл ҳаёти — 31226, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Саноат — 34524, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34780, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005. Секретариат — 33469, 32347. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 36334, 33262.

Р. 02519. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. А — № 12.

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(Бошы 1 ва 2-бетларда).

Халқаро вазият ўзгарганлигини, социалистик давлатлар билан капиталистик давлатлар ўртасидаги кучларнинг нисбатида тубли силжиш рўй берганлигини айтмоқ Ғарб мамлакатларида тобора кенг ёйилмоқда. Ҳозир мана шу мамлакатларнинг ўзида ва айтиш мумкинки, айниқса АҚШ да Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг характери ва истиқболлари тўғрисида кўп йилларда бери вужудга келиб қотиб қолган тасаввурлар муайян равишда бузилмоқда. Давлат ва сиёсий арбобларнинг кўпгина нутқлари ва гаплари мана шу темага бағишланмоқда. Масалан, АҚШ сенати ҳузурида махсус тузилган комиссиялар Ғарб мамлакатлари ташқи сиёсатининг бундан буён қандай йўлда бориши тўғрисида ўтказган тадқиқотларини катта-катта китоб қилиб чиқармоқдалар.

Ҳозир Ғарбда шундай сиёсатчилар оз эмаски, турмуш уларга зўравонлик позициясига таянувчи илгариги йўлнинг асоссиз эканлигини кўрсатиб қўйди, лекин улар ҳақиқатан тинчлик сиёсатини ўтказиш ва Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳалол ҳамкорлик қилиш зарурлигини эътироф қилиш даражасига ҳали келганлари йўқ. Равшандирки, Ғарб мамлакатларидаги баъзи доиралар Совет Иттифоқи ва умуман социалистик лагерь эришган жуда катта муваффақиятлар ва ютуқлар олдида гангиб қолганликлари учун ҳам бир-бирига зид хулосалар ва фикрларга келмоқдалар.

Биз АҚШ да бўлган вақтимизда энг узоқни кўрадиган давлат арбоблари, бизнесменлар, Америка зиёлиларининг намояндалари зўр бериб қуролланишни давом эттиришни эмас, инсонларнинг жиғига тегишни янада кучайтиришни эмас, балки осойишталик ва тинчликни истаётганликларини ўз кўзимиз билан кўрдик. Ишчилар ва фермерлар ҳам шуни истаётганликлари тўғрисида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Совет йўлдошлари ва космик ракеталари учирилиб, булар ҳозирги замон техникасининг имкониятларини намойиш қилиб кўрсатганидан кейин, эндиликда АҚШ уруш ҳалокатларидан бошқа ҳар қандай мамлакатта қараганда асло четда қолиши мумкин эмаслиги Америка халқининг онгига мустаҳкам сингиб кетган факт бўлиб қолди. Ҳеч ким мендан бундай сўзлар билан бирор кимсани қўрқитмоқчи деб гумон қилмаса керак, деб ўйлайман. Йўқ, ҳақиқий реал ҳолат шундай бўлиб қолди, фақат бизгина эмас, Ғарб мамлакатларининг, шу жумладан АҚШ нинг ўзидаги давлат арбоблари ҳам ҳақиқий аҳволга шундай баҳо бермоқдалар. Тинч-тотув яшаш, қуролсизланиш зарурлиги тўғрисида биз АҚШ да ҳар қандай мажлисда гапирганимизда ҳам ҳар сафар бизнинг бу гапларимизни мажлис аҳли тушунибгина кутиб олмасдан, шу билан бирга, айтишим мумкинки, америкаликлар гоят яхши маъқуллаб ва қувватлаб кутиб ҳам олдилар.

АҚШ, Англия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатлардаги кенг халқ оммасининг кайфияти ҳозир шундай бўлиб қолдики, ҳатто ҳали ҳам «совуқ уруш» сиёсатига ёпишиб олган доиралар қуролсизланиш ва тинч-тотув яшаш идеяларига ошкора қарши чиқишга ботина олмаётирлар. Шу сабабли, ҳозирги босқичда улар вазиятга мосланмоқдалар, кучларини қайта тўпламоқдалар, маневр қилмоқдалар, ниқобланишга уринмоқдалар. Лекин уларнинг позициясига путур етди, халқлар тинчликка астойдил интилаётганликлари натижасида уларнинг кучлари заифланиб бормоқда. Бизнинг вазифамиз шуки, уларни яккалаб қўймоқ, жаҳон жамоатчилиги олдида уларнинг шармандасини чиқармоқ учун «совуқ уруш» тарафдорларига бири-биридан кучлироқ зарбаларни тинмай бериб туришимиз керак. Совет ҳукуматининг тинчликсевар сиёсати ва у «совуқ уруш»ни узил-кесил тугатиш йўлида тинмай куч-ғайрат сарфлаётганлиги бу олижаноб ишда энг таъсирчан қуролимиздир.

Кейинги йилларда халқаро миқёсда жуда кўп воқеалар рўй берди, бу воқеалар Совет Иттифоқининг ва барча социалистик мамлакатларнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлашга олиб келди. Биз тамомила ҳақли равишда шуни айтишимиз мумкинки, Совет Иттифоқи вужудга келганидан бери унинг бутун шонли тарихи давомида мамлакатимизнинг мудофааси ҳар қандай тасодифий ҳоллардан ва четдан қилинадиган ҳамлалардан ҳеч қачон ҳозирги вақтдагидек шунчалик мустаҳкам таъминланмаган эди. Совет Иттифоқининг халқаро ишларга ўтказаётган таъсири, унинг тинчлик қалъаси сифатидаги обрўйи ҳеч қачон ҳозирги кундагидек шунчалик зўр бўлмаган эди.

Халқаро миқёсдаги кучларнинг нисбати тинчликсевар давлатларнинг қўли баланд бўлишини таъминламоқда. Тинчлик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган давлатларнинг жипс сафида Совет Иттифоқи, Хитой Халқ Республикаси, барча социалистик мамлакатлар бормоқда. Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги кўпгина давлатлар тинчликни мустаҳкамлаш учун тобора активроқ курашмоқдалар.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун

Депутат ўртоқлар! Маълумки, партиямиз ўзининг XX ва XXI съездларида ҳозирги замон вазиятида энди урушлар бўлиши фатал муқаррар нарса бўлмай қолди ҳамда кишилик жамиятининг ҳаётидан урушни абадий йўқ қилиб чиқариб ташлаш мумкин ва лозим деган хулосани чиқарди. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш инсониятни уруш офатларидан қутқаришнинг равшан йўлидир.

1959 йил 18 сентябрда Совет ҳукуматининг топшириғига биноан мен ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муҳокамасига киритган эдим.

Бизнинг таклифларимиз ҳар бир кишига тушунарли ва лўнда таклифлардир. Иккинчи жаҳон уруши инсониятнинг бошдан кечирган охирги жаҳон уруши бўлиб қолсин, деб ва ҳеч қачон учинчи жаҳон уруши бўлмасин, деб интилаётган кишиларнинг ҳаммаси бизнинг таклифларимизни қувватламоқдалар. Янги уруш бошланишига йўл қўймаслик учун уруш олиб бориш воситаларини йўқ қилиб ташлаш, давлатларни шундай шароитга қўйиш керакки, уларнинг биронтаси бошқа давлатга қарши уруш ҳаракатлари бошлаб юбориш имкониятига эга бўлолмайдиган бўлсин. Совет ҳукумати худди мана шуни таклиф қилмоқда. Бизнинг таклифларимиз барча қуролли кучларни тарқатиб юборишни ва қурол-яроғларнинг ҳамма турларини йўқ қилиб ташлашни кўзда тутади.

Совет Иттифоқи ҳарбий министрликларни тугатишга, генерал штабларни тарқатиб юборишга, ҳарбий хизматни бекор қилишга ўзи тайёр ва бошқа давлатларга ҳам шундай қилишни таклиф этмоқда. Хуллас, таклифларимизнинг моҳияти шундан иборатки, давлатларнинг қуролли кучлари ва қурол-яроғлари миқдорини амалда йўқ даражага келтириб, давлатларнинг қўлида ички тартибни сақлаб турмоқ ва гражданларнинг шахсий хавфсизлигини муҳофаза қилмоқ учун енгил отув қуроли билан қуролланган, сони қатъий равишда чекланган ва ҳар бир мамлакат учун келишиб қўйилган отрядларгина қолдирилсин, дейямиз.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш идеясини маъқулловчи резолюцияни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзолари бўлган ҳамма давлатлар Бош Ассамблеяда қабул қилдиларки, биз бунга мамнун бўлганлигимизни изҳор қиламиз. Ўн давлатдан иборат қилиб тузилган ва қуролсизланиш масалаларини муҳокама қилишни тез фурсатда бошлаб юбориши лозим бўлган комитетга бизнинг таклифларимизни кўриб чиқиш топширилди.

Шуни ҳам айтиб ўтмоқ керакки ,қуролсизланишга доир совет таклифларини кўриб чиқиш натижалари бўладиган музокараларда биз билан бирга қатнашадиган партнерларимизга асосан боғлиқдир, улар Совет Иттифоқи таклифлари тўғрисидаги ўзларининг ижобий гаплари билан бирга гарчи, жумладан, контроль ўрнатиш тўғрисида писандаларни ҳам қўшиб айтган бўлсалар-да, лекин бу таклифларни эътибор билан кўриб чиқдилар. Бу писандалар бизни бир оз таажжублантирмоқда, чунки—ёппасига ва батамом қуролсизланиш амалга оширилиши устидан мустаҳкам халқаро контроль қилинишини таъминламоқ учун зарур нарсаларнинг ҳаммаси бизнинг таклифларимизда кўзда тутилган эди. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифлар ишлаб чиқилаётганида ва ҳукумат бу таклифларни муҳокама қилаётганида биз партнерларимизнинг контролга нисбатан позициясини, албатта, етарли равишда яхши билар эдик ва шу сабабли қилиниши мумкин бўлган эътирозларга йўл қўймаслик ва Ғарб давлатларининг писандалар қилишига важлар қолдирмаслик учун контроль тўғрисидаги таклифларни бу сафар ҳам айниқса синчиклаб ишлаб чиқдик. Шундай бўлса ҳам, биз ҳақиқат ҳолга тўғри келмайдиган илгариги даъволар, яъни совет таклифлари қуролсизланишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши устидан етарли равишда самарали контроль ўрнатилишини кўзда тутмаган деган даъволар такрорланаётганлигини яна эшитмоқдамиз.

Ғарбдаги партнерларимиз қуролсизланиш устидан амалда самарали контроль ўрнатилишини таъминлаш гамини еяётган бўлсалар, биз уларнинг бу ишини табриклаймиз, чунки бизнинг позициямиз ҳам худди шундайдир. Совет Иттифоқи қуролсизланиш устидан халқаро қаттиқ контроль ўрнатилишини талаб қилмоқда. Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида шундай битимга келишни талаб қилмоқдаки, бу битим ҳеч бир томоннинг қуролсизланишни амалга ошириш соҳасида олинган мажбуриятларни бузмаслигига қатъий ишонч вужудга келтирадиган бўлсин. Бизнинг таклифларимизда қуролсизланиш устидан таъсирчан халқаро контроль ўрнатилиши кўзда тутилади, бу халқаро контроль қуролсизланишнинг муайян босқичларига мувофиқ келиши лозим.

Агар Ғарб давлатлари ишни мужмаллаштириш учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги битимни орқага суриш, сўнгра эса уни бузиш учун ҳам контроль тўғрисидаги писандаларни қилаётган бўлсалар, бу нарса ёппасига ва батамом қуролсизланишдан қутилган умидларни барбод қилади ва халқларни жуда хафа қилиб қўйиши мумкин, албатта.

Ғарбда баъзи кимсалар қуролсизланиш капиталистик мамлакатларнинг экономикасига оғир оқибатлар келтириши мумкин, деб даъво қилмоқдалар. Бомбалар, тўп-замбараклар, сув ости кемалари ва бошқа қиргин воситаларини ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилса, юз минглаб кишилар хонавайрон бўлади, ишдан ва яшаш воситалари топишдан маҳрум бўлиб қолади, деган гапларни айтмоқдалар. Лекин экономиканинг манфаатлари урушга тайёрланиш манфаатларига бўйсундирилмаса, экономикани ривожлантириш мумкин эмас, деб тасаввур қилаётган кишиларгина шундай гапларни айтишлари мумкин.

Бундай даъволар тўғрисида энг кам деганда шуни айтиш мумкинки, бу даъволар бутунлай асоссиз даъволардир. Америка саноат-саноат доираларининг бу хусусда бундай мудҳиш фикрда бўлмаган ва АҚШ саноати бутун экономикани тинчлик учун хизмат қиладиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтказиш вазифасини бемалол уддалай олишига ишонган кўпгина вакиллари билан суҳбатлашганман.

Дарҳақиқат, ишлаб чиқариш қувватларини тинчлик эҳтиёжига керакли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш аҳолидан олинадиган солиқларни кескин равишда камайтиришга, ички бозор ҳажмини кенгайтиришга ва шу билан бирга маориф, соғлиқни сақлаш ҳамда социал таъминот эҳтиёжларига кўпроқ маблағни сарф қиладиган бўлиб қолишга имкон берган бўлур эди, деб умид қилишга асос йўқ, деб бўладими, ахир. Иқтисодий манфаатдорликка ҳеч бир алоқаси бўлмаган мулоҳазалар билан жорий қилинган сунъий чеклашлардан қутқарилган ташқи савдо имкониятлари жуда кўп даражада кенгаймайдими, ахир? Қурол-яроққа эмас, балки тинч турмуш эҳтиёжлари учун керакли буюмларга муҳтож бўлиб турган мамлакатлар жаҳонда оз эмас-ку!

Қуролсизланиш амалга оширилганида тинчликдаги эҳтиёжлар учун керакли маҳсулотларни ташқи бозорларда сотиш имконияти таққослаб бўлмаслик даражада кўпайиб кетиши, жаҳон савдосини ривожлантирмоқ учун жуда кенг истиқболлар очилиши шак-шубҳасиздир.

Қуролсизланиш қандайдир бир давлатга ёки давлатларнинг бир группасигагина манфаатли нарса эмас, қуролсизланиш ҳамма мамлакатлар учун, ҳамма халқлар учун мустаҳкам тинчлик ва экономикани ривожлантириш йўлини очиб беради.

Совет Иттифоқи қуролсизланиш проблемасини ҳал қилишга ўзининг интилаётганлигини фақат сўзда эмас, амалда ҳам исботлаб берди. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлиши биланоқ бизнинг мамлакатимизда Қуролли Кучлар кенг равишда демобилизация қилинди. Кейинги йилларда Совет Иттифоқи бошқа давлатлар территориясидаги ўзининг ҳарбий базаларини батамом тугатди.

Совет Иттифоқи бу билангина чекланиб қолмади. Бизнинг мамлакатимиз зўр бериб қуролланишга чек қўйишга интилиб, ва қуролсизланиш йўлида амалий чоралар кўришга мумкин қадар тезроқ киришишга интилиб, ўз қуролли кучларини янада камайтирди. Маълумки, Совет Иттифоқи бир ўзи кейинги тўрт йил ичида ўз Қуролли Кучларининг сонини ҳаммаси бўлиб яна 2 миллион 140 минг киши миқдорида камайтирди. Совет қўшинлари Руминия Халқ Республикасидан олиб чиқиб кетилди, Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва Венгрия Халқ Республикаси билан тузилган битимларга мувофиқ, шу мамлакатларда турган қўшинларимизнинг сони анча камайтирилди.

Қуролли Кучларимизнинг сони кейинги 30 йилдан кўпроқ вақт ичида қанчалик ўзгарганлигини Олий Совет депутатларига айтиб бермоқчиман.

Совет ҳукумати граждан уруши тамом бўлганидан кейин армиянинг асосий составини демобилизация қилди ва уни қайта ташкил этди. Бунинг натижасида Қизил Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флоти сафларида 1927 йилда 586 минг киши қолди. Ўша вақтдаги халқаро вазият шароити ҳам буни маълум даражада тақозо қилган эди.

Япон империализминнинг Узоқ Шарқда қилган агрессияси ва Германияда фашизм ҳокимият тепасига чиқиб олганлиги Қуролли Кучларимизнинг сонини кўпайтиришга сабаб бўлди, уларнинг сони 1937 йилга келиб 1 миллион 433 минг кишига етказилди.

Сўнгра иккинчи жаҳон уруши бошланиб, гитлерчилар Германияси томонидан Совет Иттифоқига бевосита ҳужум қилиш хавфи туғилганлиги сабабли, бизнинг Қуролли Кучларимиз яна кўпайтирилди ва 1941 йилга келиб уларнинг сони 4 миллион 207 минг кишига етказилди.

Гитлерчилар Германияси Совет Иттифоқига хиёнаткорона ҳужум қилганлиги ва бошланиб кетган тўрт йиллик қонли уруш бизни Қуролли Кучларимизнинг сонини 1945 йил май ойига келиб 11 миллион 365 минг кишига етказишга мажбур қилди.

Уруш тамом бўлиши биланоқ ўтказилган демобилизация натижасида 1948 йилда СССР Қуролли Кучларининг сони камайтирилиб, 2 миллион 874 минг кишига келтирилди. Совет Иттифоқи Ғарб давлатлари ҳам тинчликни сақлаш ва дўстлик идеяларига амал қиладилар, гитлеризмга қарши коалицияда қатнашган мамлакатлар ўртасида вужудга келган муносабатларни мустаҳкамлай берадилар, деган умид билан ўзининг Қуролли Кучларини анча камайтирди. Бироқ, бизнинг умидларимиз рўёбга чиқмай қолди. Ғарбда агрессив НАТО блоки тузилганлиги, бизда атом бомба ҳали бўлмаган вақтда бизга нисбатан атом бомба билан дўқ қилина берганлиги натижасида Совет Иттифоқи иғволар бўлишига қарши мудофаани мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, ўз қўшинларининг сонини кўпайтиришга мажбур бўлди, совет қўшинларининг сони 1955 йилда 5 миллион 763 минг кишини ташкил қилди.

Кейин 1955—1958 йиллар даврида, мен юқорида айтиб ўтганимдек, Қуролли Кучларимизнинг сони 2 миллион 140 минг киши миқдорида камайтирилди ва ҳозир Қуролли Кучларимизнинг составида 3 миллион 623 минг киши бор.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг кейинги ўн йил ичидаги ҳолати тўғрисидаги маълумотлар мана шулардан иборат.

Совет Иттифоқининг Қуролли Кучларини камайтириш тўғрисида янги таклиф

Депутат ўртоқлар! Бугун Совет ҳукумати СССР Қуролли Кучларини яна кўп миқдорда камайтириш тўғрисида Олий Совет муҳокамасига таклиф киритади. Илгари бўлганидек бу сафар ҳам Қуролли Кучларни мана шундай камайтиришни бир ўзимиз ва қуролсизланиш проблемасини Ўнлар комитетида, ёки бошқа халқаро органларда муҳокама қилиниши қандай боришидан қатъи назар, амалга ошириш мумкин деб ҳисоблаймиз.

СССР Министрлар Совети Қуролли Кучларимизни яна 1 миллион 200 минг киши миқдорида камайтириш тўғрисидаги таклифни сизларнинг муҳокамангиз ва тасдиқлашингизга тақдим этади. Агар Олий Совет бу таклифни қабул қилса, у ҳолда армиямиз ва ҳарбий денгиз флотимиз сафида 2 миллион 423 минг киши қолади.

Шундай қилиб, Қуролли Кучларимизнинг сони қуролсизланиш проблемасини 1956 йилда муҳокама қилиш чоғида Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Франция қилган таклифларда кўрсатилган миқдордан камроқ бўлиб қолади. Бу таклифларда СССР ва АҚШ учун қуролли кучларнинг миқдори 2 миллион 500 минг кишидан иборат бўлсин, деб кўзда тутилган эди. Биз бу таклифга рози бўлган эдик ва ўзимиз ҳам қуролли кучларни камайтириш соҳасида фақат биринчи қадам бўлади, деб бундай таклифни неча марталаб илгари сурган эдик, албатта. Жумладан, биз Совет ҳукумати томонидан 1956 йил кузида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг муҳокамасига киритилган таклифларда шу рақамларни айтган эдик. Шундан бери орада уч йилдан кўпроқ вақт ўтди, аммо бу масала устида шу вақтгача бир битимга келишга муваффақ бўлинмади. Энди қуролли кучларнинг миқдорини тағин ҳам камайтириш тўғрисида таклиф киритилмоқда ва бу таклифни биз ўзимиз қуролсизланиш масаласида партнерларимиз билан бўладиган чексиз тортишувлар натижасида туғиладиган икир-чикир гапларга, вақт ва ғайратнинг беҳуда сарфланишига, одамларнинг жиғига тега беришга йўл қўймай, шундай қилмоқдамиз.

Ҳукумат томонидан СССР Олий Совети сессиясининг кўриб чиқиши учун киритилаётган таклифни депутат ўртоқлар атрофлича муҳокама қиладилар ҳамда Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати қандай сабабларга кўра бу таклифни киритганлигини тўғри тушунадилар, деб ишонч билдирамиз.

Ҳар бир совет граждани, айниқса Олий Совет депутати — халқ вакили, аввало, ўз Ватанининг хавфсизлиги тўғрисида, революция ғалабаларини сақлаб қолиш тўғрисида, мамлакатимизда коммунизмни муваффақиятли равишда қуришни таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Шу сабабли, киритилган таклифлар туфайли туғиладиган биринчи савол, таклиф қилинаётган тадбирлар амалга оширилганидан кейин мамлакатимизнинг мудофаа қуввати етарли бўладими, деган саволдир. Бизнинг нодўстларимиз, ҳатто «зўравонлик позициясига таяниш сиёсати» деган иборанинг ўзини архивга ҳали топширмаган бир вақтда, нега биз кучга-куч билан жавоб бериш ўрнига, армия ва флотни камайтириш ва, бинобарин, қуролланишга сарфланаётган харажатларни камайтириш йўлини тутмоқдамиз? Бунинг сабаби нима? Бу билан биз мамлакатимизнинг хавфсизлигига нисбатан бирмунча беғамлик қилаётганимиз йўқми?

Биз бу масалани батафсил ва атрофлича ўрганиб чиқдик, ҳарбийлар билан, Генерал штаб билан маслаҳатлашдик ва ҳеч бир иккиланмай жавоб бериб айтамизки, бизнинг мудофаамиз тўла равишда етарли бўлади ва биз ҳамма нарсани реал равишда ҳисобга олиб иш қилмоқдамиз.

Қилинган бу реал ҳисобларни исботлаб бермоқ ва шу қадар масъулиятли қарор қабул қилмоқ учун қандай далиллар бор? Депутатлар бундай қарор мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятига зарар етказмаслигига қаттиқ ишонган ҳолда шу қарорни қабул қила олишлари учун қандай далиллар бор?

Таклиф қилинаётган чораларнинг тўғрилигига бизнинг ишончимиз учун асос бўлган нарса шуки, Совет мамлакати бутун халқ хўжалиги мисли кўрилмаган даражада барқ уриб ривожланаётган даврда турибди. Бу ишонч совет жамиятининг мустаҳкам маънавий-сиёсий жипслигига асосланади. Совет олимлари, инженерлари ва ишчилари одамзодга шу вақтгача маълум бўлмаган қурол-яроғ турлари билан—атом, водород, ракета қуроли ва бошқа замонавий қурол билан армиямизни қуроллантириш имкониятини таъминлаб бердилар. Экономикамиз тараққий этганлиги, илм-техника соҳасида эришилган муваффақиятлар—мана шуларнинг ҳаммаси Қуролли Кучларни камайтириш йўлини тутмоқ учун шарт-шароит вужудга келтирди. Бундан ташқари, биз тинчликнинг маҳкам қалъаси бўлган қудратли социалистик лагерь мустаҳкамланганлигини ва ўсганлигини ҳисобга олмоқдамиз.

Ленин идеялари тантана қилганлиги, социализм қурилганлиги ва коммунизм қуриш муваффақиятли равишда янада ривожланиб бораётганлиги натижасида ҳозир бизнинг мамлакатимиз ҳамма соҳада—экономика соҳасида ҳам, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини юксалтириш соҳасида, фан, техника ва маданиятни ривожлантириш соҳасида ҳам олдинда бормоқда. Мудофаа саноатида ишлаётган олимларимиз, инженерларимиз ва ишчиларимиз шу ютуқлар асосида қурол-яроғларнинг янги турларини, фан ва техниканинг энг кейинги муваффақиятлари даражасида турган энг замонавий қурол-яроғ турларини яратиб бердилар. Бу нарса мамлакатимиз мудофаа қобилиятига зарар етказмай туриб, Қуролли Кучларни камайтириш йўлини тутишимизга имконият беради.

Депутат ўртоқлар! Ўзининг бутун билимларини, ўз меҳнатини Ватанимизнинг бахт-саодати йўлига, Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлашга сарфлаган ҳамма олимларга, инженерларга, техникларга, ишчиларга, ҳамма кишиларга сизларнинг номингиздан, Совет ҳукумати ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети номидан энг самимий ташаккур айтишга ижозат бергайсиз.

Партия, ҳукумат, бутун совет халқи атом ва водород қуролини, ракета техникасини ва мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини шу қадар юксак даражага кўтаришга имкон берган, бунинг натижасида эса ҳозир Қуролли Кучларни янада камайтиришимиз учун имконият очиб бераётган бошқа ҳамма воситаларни яратиш ишида ўзларининг билимлари ва меҳнатлари билан гоят катта муваффақиятларни қўлга киритишимизни таъминлаган олимларга, инженерларга, техникларга, ишчиларга қизғин ташаккур билдирадилар.

Совет Иттифоқи дозим бўлган миқдорда атом ва водород қуроли тўплади. Ядро қуролини тақиқлаш тўғрисида битимга келинмагунча биз уни ишлаб чиқаришни давом эттиришга мажбурмиз. Албатта, биз бу мақсадлар учун бирталай маблағ сарфлашимизга тўғри келади. Лекин ядро қуроли ишлаб чиқаришдан ҳозирги вақтда ҳали батамом воз кеча олмаймиз: ядро қуролига эга бўлган давлатлар битимга келиши натижасидагина бу қуролни ишлаб чиқаришдан воз кечиш мумкин.

Давлатимизнинг қўлида қудратли ракета техникаси бор. Ҳарбий техниканинг ҳозирги вақтдаги ривожланиши шароитида ҳарбий авиация ва ҳарбий-денгиз флоти ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотди. Қуролнинг бу тури камайтирилмайди, балки алмаштирилади. Ҳарбий авиациянинг деярли ҳаммаси ракета техникаси билан алмаштирилади. Бомбардимончи самолётлар ишлаб чиқаришни ва бошқа эскирган техникани ишлаб чиқаришни ҳозир биз кескин равишда камайтирдик ва янада камайтирсак керак ва ҳатто уларни ишлаб чиқаришни тўхтатсак керак. Ҳарбий-денгиз флотида сув ости флоти катта аҳамият касб қилмоқда, сув усти кемалари эса энди ўтмишда ўйнаган ролини ўйнай олмайди.

Бизнинг Қуролли Кучларимиз кўп даражада ракета-ядро қуролига кўчирилди. Бу қурол такомиллаштирилмоқда ва уни тақиқлаб қўйгунча такомиллаштирила беради.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати сиз, депутат ўртоқларга шуни айтиши мумкинки, ҳозир бизда бўлган қурол — даҳшатли қуролдир, энди ишлаб чиқарилаётган қурол эса тағин ҳам мукаммал, тағин ҳам даҳшатлироқ қуролдир. Яратилаётган ҳамда олимлар ва конструкторлар лойиҳасини тузган қурол ақлга сиғмас даражада даҳшатли қуролдир.

Армияларнинг сони масаласини ҳозир бундан бир неча йил муқаддам ҳал қилгандек ҳал қилиб бўлмайди, деган фикрга сизларнинг ҳаммангиз қўшилсангиз керак, депутат ўртоқлар. Шуни айтиб ўтиш кифоя қиладики, 1955 йилдан бошлаб мамлакатимизда Қуролли Кучлар сонининг учдан бир қисми камайтирилди, аммо, ҳозирги замон ҳарбий техникасининг энг янги турлари жорий қилинганлиги ва ривожланганлиги туфайли Қуролли Кучларнинг зарб қуввати шу вақт ичида кўп марта ошиб кетди.

Ҳозирги вақтда мамлакатнинг мудофаа қобилияти бизда қанча солдат қуролланиб турганлиги, қанча киши солдат шинелида юрганлиги билан белгиланмайди. Мен юқорида айтиб ўтган умумий сиёсий ва иқтисодий факторлар назарга олинмай туриб гапириладиган бўлса, шуни айтиш мумкинки, мамлакатнинг мудофаа қуввати шу мамлакат ихтиёрида қандай ҳажм қуввати борлигига ва қуродни элтиб қўядиган қандай воситалар борлигига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир.

Таклиф қилинаётган камайтириш Қуролли Кучларимизнинг зарб қувватини асло заифлантирмайди, энг муҳими ҳам шудир. Аслини олганда, давлатлар эҳтимол тутилган душманга қарамақарши тура оладиган ва унинг ҳужум қилишига йўл қўймайдиган ёки агар у мамлакатимизга ҳужум қилишга уринадиган бўлса, унга лозим бўлган даражада зарба берадиган тегишли зарб қувватига эга бўлиш учун армия сақлаб турадилар.

Ҳозир Совет Армиясининг қўлида илгари ҳеч бир армия эга бўлмаган жанг воситалари ва зарб қуввати бор. Яна уқтириб айтаманки, ҳозир бизда бўлган ядро қуролининг — атом ва водород қуролининг ва бу қуролни тажовуз қилиши мумкин бўлган агрессор территориясига элтиб ташлайдиган тегишли ракеталар миқдори шу даражададирки, агар ақлдан озган бирор киши бизнинг давлатимизга ёки бошқа социалистик давлатларга ҳужум ташкил қиладиган бўлса, бизга ҳужум қилган мамлакатни ёки мамлакатларни ер юзидан йўқ қилиб юбора оламиз.

Ақли расо ҳар бир киши шу нарсани яхши биладики, атом ва водород қуроли аҳолиси зич жойлашган мамлакатлар учун энг катта хавфдир. Албатта, янги уруш бошланиб кетган тақдирда барибир ҳамма мамлакатлар шикастланади. Бизнинг бошимизга ҳам катта кулфатлар тушади, бизда ҳам қурбонлар кўп бўлади, лекин биз саломат қоламиз, бизнинг территориямиз жуда кенг ва аҳоли йирик саноат марказларида бошқа кўп мамлакатлардагига қараганда унчалик зич жойлашган эмас. Ғарб таққослаб бўлмаслик даражада кўпроқ шикастланади. Агар агрессорлар янги уруш бошлайдиган бўлсалар, бу уруш капиталистик дунё учун охирги уруш бўлади, халқлар капитализм урушларни туғдирувчи манба эканлигини равшан тушуниб оладилар ва инсониятга шунчалик кулфатлар ва офатлар келтирувчи бу тузумга ортиқ тоқат қилмайдилар.

Агар мана шуларнинг ҳаммаси ҳисобга олинса, совет кишилари ўзларини осойишталикда ва бардам ҳис қилишлари мумкин: Совет Армиясининг ҳозирги вақтдаги қурол-яроғи мамлакатимизни ҳужумдан омон сақлашни тўла равишда таъминлайди.

Албатта, ҳужумдан омон сақланиб туриш деган тушунча жуда шартли тушунчадир. Шуни унутмаслик керакки, бизнинг душманларимиз бир жойда туриб қолмайдилар, баъзи давлатлар эса ўзларининг ҳарбий-сиёсий мақсадларини яширмай, бизга ёв эканликларини ўзлари айтиб турибдилар. Агар ҳозир бу давлатларда бўлган ракеталарнинг миқдори бизнинг ракеталаримиз миқдорига етарли бўлмаса ҳам, ва уларнинг ракеталари бизникиси сингари такомиллашган бўлмаса ҳам, лекин улар ўзларининг вақтинча қолоқликларини йўқотиш, ўзларининг ракета техникаларини такомиллаштириш имкониятига эгадирлар ва ахир бир кун биз билан тенглашиб олишлари мумкин.

Масалан, АҚШ ракеталар ишлаб чиқариш соҳасида беш йил ичида Совет Иттифоқига етиб олиш вазифасини ўз олдига қўйди. АҚШ ракета техникасини ҳозирги қолоқлик ҳолатидан чиқариб олмоқ ва яхшироқ мавқени эгаллаб олмоқ учун бутун куч ва ғайратини сарфлайди, албатта. Лекин бу вақт ичида биз қўл қовуштириб ўтирамиз, деб ўйлаш гўллик бўлур эди. Ахир, АҚШнинг ўзида ҳам одамлар: Хўш, руслар кутиб ўтирармидилар, вақтларини соққа ўйнаш билан ўтказармидилар деб айтмоқдалар-ку, ахир.

Ҳа, ракета қуролини ривожлантиришда ютган вақтимиздан фойдаланмоқ ва қуролсизланиш масаласида халқаро битимга эришилмагунча бу соҳада етакчи мавқени эгаллаб турмоқ учун биз ҳамма чораларни кўрамиз, албатта.

Бироқ, бундай бир савол туғилади: модомики, баъзи капиталистик давлатларнинг замонавий қурол-яроғ соҳасида биз билан тенглашиш имконияти бор экан, бу ҳолда улар ракета-атом қуролидек лаҳшатли қурол билан тўсатдан ҳужум қилиш факторидан фойдаланмоқ ва шу тариқа ғалабани таъминлайдиган устунликка эга бўлмоқ учун маккорлик ишлатиб бизга биринчи бўлиб ҳужум қилишлари мумкин эмасми? Йўқ. Уруш олиб боришнинг ҳозирги воситалари ҳеч бир томонга бундай устунлик бермайди.

Биринчи бўлиб ҳужум қилиш мумкин, бунинг учун катта ақл талаб қилинмайди, бунинг учун ақлсизлик кўпроқ иш беради, шу сабабли биз эҳтимол тутилган душманларимизнинг баъзиларида бундай қилишга майл борлигини жуда яхши биламиз, албатта. Зўравонлик позициясига таянувчи сиёсат тарафдорларига гарчи Гитлернинг «шуҳрати» таъсир қилиб, уларни совутиб қўйиши лозим бўлгандек бўлиб кўринса ҳам, лекин улар гоҳ бир мамлакатда, гоҳ иккинчи мамлакатда қизишиб ва урушқоқлик қилиб турганликларини гоҳо-гоҳо кўриш мумкин. Лекин бундай арбобларнинг мияси шу қадар гангиб қолган бўлса керакки, улар тарихнинг бу жиддий сабоқларини унутиб қўймоқдалар.

Бироқ, бирор давлат ёки давлатлар группаси ядро ва ракета қуролига эга бўлган давлатга тўсатдан ҳужум тайёрлашга ва буни амалга оширишга муваффақ бўлди, деб фараз қилайлик. Лекин ҳужум қилган томон, башарти тўсатдан зарба уришга муваффақ бўлди, деб андак тасаввур қилинган тақдирда ҳам, у ҳужумга учраган давлат территориясидаги ядро қуролининг ҳамма запасларини, ядро техникасининг ҳамма установкаларини бирданига ишдан чиқаришга муваффақ бўла олармиди? Албатта, бунга муваффақ бўлолмайди. Агар гап етарли даражада катта давлат устида бораётган бўлса, тўсатдан ҳужумга учраган бундай давлат агрессорга лозим бўлган даражада зарба бермоқ учун ҳамиша етарли имкониятга эга бўлади.

Мамлакатимиз атрофида чет мамлакатларнинг ҳарбий базалари жойлашганлигини ҳисобга олмоқдамиз. Шу сабабли, биз ўз ракета техникамизни икки ва уч жойдан қўшимча зарба беришни таъминлайдиган қилиб жойлаштирмоқдамиз. Мамлакатимизнинг территорияси жуда кенг. Бизда ракета техникасини шу кенг территорияга ёйиб жойлаштириш, уни яхши ниқоблаб қўйиш имконияти бор. Биз шундай система вужудга келтирмоқдамизки, жавоб зарбаси бериш учун мўлжалланган воситаларнинг бир қисми ишдан чиқариладиган бўлса, худди шундай жавоб зарбаси берадиган қўшимча воситаларни ҳамма вақт ишга солиш ва запас позициялардан туриб душман позициясини емириш мумкин бўлади.

(Давоми тўртинчи бетда).

Ўртоқ Н. С. ХРУШЧЕВ докладининг давоми

(Боши 1, 2 ва учинчи бетларда).

Мана шуларнинг ҳаммаси психикаси нормал бўлган ҳар бир кишини, ўз ҳаракатлари учун халқлар олдида жавоб берадиган, халқларнинг тақдирини қадрлайдиган кишиларни хушёр қилиб қўймоқ учун бемалол кифоя қилади. Албатта, ақлдан озган кишиларнинг кафлини олиш мумкин эмас, бундай кишилар ҳамма вақт бўлган ва бундан кейин ҳам бўлса керак. Фақат шуни унутмаслик керакки, бундай ақлдан озган кишиларнинг ҳокимият тепасига чиқиб олиши ўтмишда ҳам қонли урушларга олиб келган экан, ҳозирги шароитда бундай кишиларнинг ҳокимият тепасида туриши ҳеч бир таққослаб бўлмайдиган офатларга олиб келган бўлур эди. Уйдан чиқиб кетаётган она ёнадиган материаллар, тугурт ёки электр асбоблар ақли норасо боланинг қўлига тушиб қолмасин, у билмасдан уйга ва шаҳарга жуда катта кулфат келтириши мумкин, деб лозим бўлган чораларни кўрганидек, халқлар ҳам ўз олдига ақлга сиғмайдиган, жиноятқорона мақсадларни қўйган кишиларнинг ҳукуматлар, парламентлар ва бошқа мансабларга чиқиб олишларига йўл қўймайдиган чораларни кўришлари лозим, чунки тинчликнинг таъминланиши ҳукуматларга, парламентларга ва шу кабиларга боғлиқдир. Батамом ва ёппасига қуролсизланиш масаласини ҳал қилиш ва, бинобарин, уруш олиб бориш воситаларининг ҳаммасини йўқ қилиб ташлаш йўли топилмагунча, халқлар ақлдан озган кишиларнинг ракета-ядро қуролидан инсониятга қарши фойдаланишларига йўл қўймаслик учун ниҳоят даражада хушёрлик кўрсатишлари лозим.

Ўтмиш сабоқларини эсдан чиқармаслик керак

Ғарб мамлакатларининг раҳбарлари «зўравонлик» ва «уруш ёқасида туриш» сиёсатини юргизишдан ҳали воз кечганлари йўқ. Гарчи бу сиёсатнинг бош жарчиси ўлиб кетган бўлса ҳам, унинг урушқоқлик билан қилган даъватлари ҳали архивга топширилгани, бир чеккага йиғиштириб қўйилгани йўқ. Канцлер Аденауэр айниқса жонини жабборга бермоқда. Аммо, жаноб Аденауэр ва у билан бирга қўшилиб, биз аввалгидек «зўравонлик» сиёсатини ўтказа берамиз деб такрорлашни яхши кўралиган кишилар нарсаларга реал кўз билан қарамоқлари керак; Козьма Прутков айтганидек масаланинг туб моҳиятига қараш лозим.

Ғарб давлатлари экономикада устунликка эга бўлган вақтда ва атом бомбаси каби кучли қуролнинг монополияси уларнинг қўлида бўлган кезларда бундай сиёсат ҳали қандайдир мантиққа эга эди, аммо ўша кезларда ҳам бу нарса «зўравонлик» сиёсатини юргизиш учун асос бермас эди.

Эндиликда эса, Совет Иттифоқи атом ва водород қуроллларига эга бўлган, мамлакатимиз ракета техникасидаги ўз устунлигини бутун дунёга намойиш қилган, Совет Иттифоқининг ва социалистик лагердаги барча мамлакатларнинг экономикаси гуллаб яшнаётган, социалистик лагернинг жипслиги ва бирлиги кўзга яққол ташланиб турган, барча халқлар тинчликни таъминлаш учун ўз куч-ғайратларини бирлаштиришга интилаётган бир шароитда «зўравонлик» сиёсати мутлақо ақлга сиғмайдиган бир иш бўлиб қолмоқда.

Кучларнинг нисбати ўзгариб кетган ҳозирги пайтда «зўравонлик» сиёсатига умид боғлашнинг маъноси нима? Бунинг маъноси ўз-ўзини аввалдан муқаррар суратда ҳалокатга маҳкум этиш, Гитлернинг изидан бориш демакдир.

Ахир, Гитлер «зўравонлик» сиёсатини жуда ошкора равишда амалга оширган эди. Гитлер ҳокимият тепасига келиши биланоқ экспанция сиёсатини, турмуш маконларини босиб олиш сиёсатини юргузишни дарҳол ўзига вазифа қилиб олди. У, мен Совет Иттифоқига қарши уруш очаман ва Уралгача етиб бораман, бошқа мамлакатларни ўзимга бўйсиндираман деб эълон қилди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги воқеалар ҳали ҳаммамизнинг ёдида. Гитлер ўз маслакдошларига сурбетлик билан ошкора равишда бундай деган эди: «Биз ҳар қанақа кўнгил бўшлиқни бир чеккага йиғиштириб қўйишимиз ва қаттиққўл бўлишимиз керак. Бир кун келиб уруш бошлашга буйруқ берган чоғимда, мен ўн миллион ёш кишини ўлимга жўната туриб, сира пинак бузмайман». Гитлер бошқа миллатлар ва халқларни мумтоз арийлар ирқи учун ўғит ва қул деб, арийлар ирқи ҳамманинг устидан ҳукмрон бўлиши керак деб ҳисоблаган эди.

Гитлер ана шу жиноий мақсадларини ниқоблаш учун ўз партиясини национал-социалистлар партияси деб атади. Сотда ва лақма одамларни ўз кетидан кўпроқ эргаштириш учун фашистлар корчолони халқларнинг энг севимли сўзи бўлган «социализм» сўзини айтишни раҳм қилди.

Гитлер босқинчилик сиёсатини амалга ошириб, ультиматумлар қўйди, башарти бу ультиматумлар рад этиладиган бўлса, уруш бошлаб юбора берди. Шундай йўл билан Гитлер Европадаги кўпгина мамлакатларни босиб олишга муваффақ бўлди. Осон йўл билан қўлга киритилган ғалабалардан ҳовлиқиб кетган Гитлер Совет Иттифоқига ваҳшиёна ҳужум бошлади. Бу авантюранинг оқибати нима бўлганлигини ҳамма билади. Бу авантюра шу нарса билан тамом бўлдики, ана шу ақлдан озган тентак совет қўшинлари Берлин кўчаларида жанг олиб бораётган кезлардаёқ ўзига тўғри чора топди — ўт халқасига тушиб қолган чаёндек ўзини ўзи ўлдирди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида Совет Иттифоқи капиталистик қуршовда турган бирдан-бир социалистик давлат бўлганлигини назарда тутиш керак. Ўша вақтда биз экономика ва бошқа ресурслар жиҳатидан устунликка эга эмас эдик. Эндиликда аҳвол тамоман ўзгача. Ҳар бир киши, агар унинг ақли расо бўлса, ҳисоб-китобдан бир оз хабардор бўлса, урушлар кейинги лаврда юз берган воқеаларни мулоҳаза қилиб тушуна олса, халқаро майдонда кучларнинг нисбати социализм фойдасига тўблан ўзгариб кетганлигини кўрмасдан қола олмайди. Ҳозирги шароитда Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан «зўравонлик» сиёсатини юргизиш ҳалокатли авантюралар йўлига кириш эканлиги равшан эмасми, ахир?

Ана шу авантюристик сиёсат ҳозирги вақтда Ғарбий Германияда айниқса яққол намоён бўлмоқда. Маълумки, Гитлер ҳокимиятни босиб олиб, биринчи реакцион қадамини қўйгандаёқ Коммунистик партияни тақиқлаган ва ишчи ташкилотларни тақиб остига олган эди. Аденауэр ҳам Германия Коммунистик партиясининг фаолиятини тақиқлаб қўйди ва касаба союзларга ҳамда меҳнаткашларнинг бошқа демократик ташкилотларига қарши ҳужумни кучайтириб юборди. Ғарбий Германияда тинчлик тарафдорлари ҳаракати арбоблари устидан бирин-кетин шармандаларча суд процесслари ўтказилмоқда. Бундан ҳам ҳаддидан ошишлик бўладими? Ҳатто ГФР конституцияси нуқтаи назаридан олганда ҳам, ўз эътиқодларига кўра тинчликни ёқлаб чиқаётганликлари учунгина кишиларни тўрьмаларга солиш ўзбошимчалик ва қонунбузарлик ҳисобланади.

Сўнгги вақтларда Ғарбий Германияда Гитлернинг қонхўрликдан иборат режимини оқлаш ва ҳатто авф этиш майллари тобора яққолроқ намоён бўлмоқда. Лорд Рассел Ливерпульский бу майлларни яхши пайқабди. Рассел «Таймс» газетасининг редакциясига юборган хатида шу фактга эътиборни тортадики, 1949 йилда нашр этилган дарсликлардан фарқли равишда ГФРда 1958 йилда ўрта мактаблар учун нашр қилинган тарих дарсликларида гитлерчилар режимининг рейхстаг биносига ўт қўйгани, яҳудий аҳолисини таъқиб қилгани, концентрацион лагерларда ёвузликлар билан шуғуллангани ва фашизмнинг бошқа ёвузликлари тилга олинмаган.

Рассел ўз хатида шу масалага тааллуқли конкрет мисолларни келтирали, у бу мисолларни «Ди Вельт» деган немис газетасидан олган. Масалан, 1949 йилда нашр этилган немис тарихи дарслигида гитлерчилар рейхстаг биносига ўт қўйганлиқлари ҳақида 2,5 саҳифада гап юритилган эди, 1958 йилги дарсликда бир оғиз ҳам сўз йўқ; яҳудийларнинг таъқиб қилинганлиги тўғрисида аввалги дарсликда уч саҳифа гап юритилган бўлса, кейинги дарсликда 14 сатр сўз қолдирилган, концентрацион лагерлар ҳақида илгари 5 саҳифа гап бор эди, энди бўлса бир оғиз ҳам сўз йўқ.

Ғарбий Германия шаҳарларида фашистларнинг яҳудийларга қарши уюштирган сўнгги ҳуружлари реакция кучайиб бораётганлигининг характери белгисидир. Реакциянинг турли кирдикорлари жаҳон жамоатчилигига аллақачонлардан буён маълумдир. Бундан неча ўн йиллаб муқаддам чор Россиясида реакция қутирган даврда қора гуруҳчилар яҳудийларни неча марталаб қирғин қилган эдилар. Ленин, большевиклар, барча прогрессив кишилар бу шармандали ҳолга қарши қатъиян бош кўтариб чиққан эдилар.

Германияда Гитлер антисемитизмни зўр бериб авж олдирган эди. У ҳар қандай эркинликни бостирди, демократик ҳуқуқларни қўпол равишда поймол қилди. Гитлер буларнинг ҳаммасини ўзининг қонхўрликдан иборат ишини бошлаш — уруш очиш учун қилди.

Совет Иттифоқи барча халқлар ўртасида дўстлик учун, немис халқи билан дўст бўлиш учун ҳамиша курашиб келди ва курашмоқда. Биз Германия Демократик Республикаси билан жуда яхши, дўстона муносабатлар ўрнатдик ва биз бу дўстликни қадрлаймиз. Биз Ғарбий Германиядаги немислар билан ўртамизда яхши дўстона муносабатлар бўлиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдамиз. Аммо, Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг, айниқса унинг канцлери Аденауэрнинг «совуқ уруш»ни авж олдиришга қаратилган сиёсати бизни ниҳоятда афсуслантирмоқда.

Биз жаноб Аденауэрнинг мен реваншчи эмасман ва ўз ҳукуматим составида реваншчи бўлган биронта министрнинг бўлишига тоқат қилиб тура олмас эдим, деб ишонтириб айтган сўзларини эшитганмиз. Дарҳақиқат, немис халқи реваншчилар билан иш кўришни мутлақо истамайди. Аммо канцлер Аденауэрнинг гапларини Ғарбий Германия ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада ўрнатилган давлат чегараларини қайта қараб чиқишга интилаётганлиги билан ва иккинчи жаҳон уруши қолдиқларини тугатишга, Германия билан сулҳ шартномасини имзолашга, Европада мустаҳкам тинчлик ўрнатишга қаратиб айтилган ҳар қандай гапларни тиш-тирноғи билан қарши туриб кутиб олаётганлиги билан қандай боғлаш мумкин.

Ёки Аденауэрнинг Ғарбий Берлинга қилган сўнгги сафарини ва унинг ирвоғарлик билан сўзлаган нутқини олиб кўрайлик, у бу нутқида агарда иш атом урушигача бориб етса, у ҳолда Совет Иттифоқидан ном-нишон ҳам қолмайди деб айтди. Буларнинг ҳаммаси Аденауэр немис фашистларига берилган сабоқдан хулоса чиқариб олмабди ва уларнинг йўлига кирмоқда деган мулоҳазага олиб келади. Аденауэр Гитлернинг пировардида орттирган шуҳратига ҳавас қилмайди деб ўйлаш керак.

Аниқ-равшан қилиб айтиш лозимки, ҳозир ҳокимият тепасига ва қўмондонликка, бунлесверни вужудга келтиришга, НАТО қуролли кучларига қўмондонлик қилишга кўйилаётган ашаддий фашистларнинг қўли баланд келаётган бўлса, ва бу заҳарли илонлар ўз чегараларидан ташқарига ўрмалаб чиқишни ихтиёр қилса, у ҳолда бу заҳарли илонлар гитлерчилар ҳужуми вақтида бўлганидек Москва ва Сталинградгача ўрмалаб келолмайдигина эмас, балки ўз территориясида мажақлаб ташланган бўлур эди.

ГФР ҳукуматининг сиёсатида ниҳоятда хавфли майллар мавжуд; башарти тинчликсевар кучлар бу майлларга хотима бермасалар, у ҳолда ана шу майллар жуда қайғули оқибатларга учинчи жаҳон урушига олиб келиши мумкин.

ГФРнинг ҳарбий тайёргарликларини гитлерчилар ҳужумидан жафо чеккан Франция, Англия ва бошқа давлатлар қўллаб-қувватламоқдаки, бу ҳол бизни таажжубга солмасдан қола олмайди. Қандай қилиб бу давлатлар Ғарбий Германияни қайта қуролланишга ундамоқдалар, унга армияни вужудга келтиришда ва бу армияни ҳозирги замон қуроллари билан қуроллантиришда ўз қўллари билан ёрдам бермоқдалар?

Ғарбий Германияга иттифоқчи бўлган НАТОдаги мамлакатларнинг айрим сиёсий арбоблари гарчи ҳаммага эшиттириб бўлмаса-да, саҳна орқасида туриб, ошкора равишда тўридантўғри бундай демоқдалар: ишонинг ва ҳолимизни тушунингки, ГФР НАТОда аъзо бўлиб турмаса, у армияга эга бўлмаса, қуролланишга маблағ сарфламаса, у ҳолда ГФР Ғарбдаги бошқа мамлакатларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан зўр афзалликларга эга бўлиб олади ва савдо-сотиқ ишларида тагин ҳам хавфли рақиб бўлиб қолади. АҚШни истесно қилганда, Ғарбий Германиянинг экономикаси ҳақиқатан ҳам НАТОда қатнашаётган бошқа мамлакатларнинг экономикасидан бақувват ва ривожланганроқдир. Ғарбий Германия экономикасининг тинч асосда ривожланиши Ғарбдаги бундай сиёсатдонлар учун жуда хавфли иш бўлиб чиқади. ГФРнинг НАТОга тортилиши ва унинг зўр бериб қуролланишда иштирок этиши эса ҳатто фойдали эмиш! Улар Ғарбий Германияни иқтисодий жиҳатдан кучсизлантириш, у билан жаҳон бозорларида рақобат қилиш учун энг яхши шарт-шароит вужудга келтириш мақсадида ўз ғарбий герман рақибларининг бўйнига қурол-яроғ ва кўп қуролли кучлар каби тош осиб қўйишдан ҳам тоймайдилар.

Ана шу жуда ғалати концепция тарафдорлари шу нарсани унутиб қўймоқдаларки, улар немис реваншчиларига қурол-яроғ бераётган бўлсалар, бу қурол-яроғ уни бераётганларнинг хоҳишига қараб ишлатилмайди. Ахир, ГФР ҳукумати қурол-яроғларни олиш билан бирга ўз мақсадларини кўзда тутади, у армияга ва кучли экономикага таяниб, Ғарбий Европада ҳукмрон бўлиб олишни ҳамда НАТОдаги ўз иттифоқчиларига қўмондонлик қилишни хоҳлайди. Ҳақиқатни олганда ГФР нинг бу мақсадга эришуви жуда ҳам узоқ эмас. Ғарбий Германия НАТОдаги бир қанча масъул лавозимларни ҳозирнинг ўзидаёқ эгаллаб олди.

Француз, инглиз, бельгиялик солдатлар ва НАТОнинг бошқа солдатлари эндиликда ғарбий герман генерали Шпейдель буйруқларига бўйсунишлари керак. Ахир, французлар бу генерални Гитлерга яқин бўлган офицер сифатида, Франция офицерлик корпуси сафларидаги бешинчи колоннанинг ташкилотчиси, кейинчалик эса 1940 йилда Францияни оккупация қилиб турган гитлерчи қўшинлар штабининг бошлиғи сифатида танийдилар. Бу генерал инглизларга ҳам гитлерчи бомбардимончиларнинг Англияга террористик мақсадда учишларини уюштирган кишиларнинг бири сифатида маълумдир. Мана энди чала калтакланган бу гитлерчи НАТОнинг Европа марказий зонасида жойлашган қуруқликдаги қўшинлари қўмондони ҳисобланади.

Бир маҳаллар Ғарбий Германиянинг НАТОга аъзо бўлиб киришини оқлаш мақсадида ғарбдаги уч давлат ҳукумати Париж битимлари Европа мамлакатларини ўз кучларини қайта тиклаётган Ғабий Германиядан муҳофаза қилади, деб ишонтирган эдилар. 1955 йил ноябрь ойида АҚШнинг давлат секретари марҳум Ж. Ф. Даллес ташқи ишлар министрларининг Женевадаги кенгашида бундай деган эди: «Германия Федератив Республикаси атом қуроли, бактериологик ва кимёвий қуролларга эга бўлиш ҳуқуқидан воз кечмоқда. Бунинг эътироз билдирадиган жойи борми? Брюссель шартномасига мувофиқ (бу шартномада асосан ўтмишда Германия агрессиясидан азоб чеккан мамлакатлар қатнашади), Федератив Республиканинг ҳарбий иншоотлари ва қурол-яроғлари Брюссель шартномаси Кенгаши томонидан инспекция ва контроль қилиб турилиши лозим экан, бунинг эътироз билдирадиган жойи борми?»

Гаплари-ку, ана шундай эди, амалда нима бўлиб чиқди? Ғарбий Германиянинг НАТОга тортилиши унинг ҳарбий экономикаси ва қурол-яроғларини контроль қилиб туриш имконини беради деб даъво қилган эдилар. Амалда эса шундай аҳвол юз бердики, бунинг натижасида Ғарбий Германия Европадаги ўз иттифоқчиларини контроль қилиб туриш имкониятини олди ва Америка Қўшма Штатларининг сиёсий йўлига тазйиқ кўрсатишга интилмоқда. Модомики, бугун бундесвер қуролланиш учун атом-ракета қуроллари олаётган экан, Париж битимларига биноан Ғарбий Германияга нисбатан дастлаб кўзда тутилган озгина чеклашлардан амалда энди нима қолди? Брюссель ва Париж битимлари авторларининг энди Ғарбий Германия ҳарбийларининг реванш сиёсати натижасида устига чизиқ тортилган ана шу битимлардаги ўлик моддалар билан фақат ўзларини юпатишдан бўлак иложлари қолгани йўқ.

Канцлер Аденауэр янги йил арафасида эълон қилинган мақоласида нималарга даъват этаётганлигини бир кўринг. Расм бўлган традицияга биноан давлат арбоблари янги йил арафасида халқларга тинчлик сўзлари айтиб ва фароғат тилаб мурожаат қиладилар. Аденауэр эса бундай қилаётгани йўқ. У ҳамон ўз ғайратини бундан буён ҳам «зўравонлик» сиёсатини юргизишга сарфламоқда, бу сиёсатни амалга оширишда «қаттиқ қўл бўлиш ва қатъият» кўрсатишга ундамоқда. Кейинги вақтларда халқаро кескинликнинг юмшай бошлагани унинг назарида бор-йўғи «хом хаёл», холос. Канцлер НАТОнинг ва Ғарбий Германиянинг ҳарбий қудратини ошириш ҳозир «ҳар қачонгидан ҳам зарур» деб айтмоқда.

Буларнинг ҳаммаси, ўртоқлар, Совет Ҳукумати қачонлардан буён ҳал этишни қаттиқ туриб талаб қилаётган вазифа — ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузиш вазифаси нақадар етилган вазифа эканлигини қайта-қайта исботламоқда. Бундай шартнома иккинчи жаҳон урушига ўзил-кесил якун ясаган, бутун Германиянинг тинч йўл билан демократик асосда ривожланишини таъминлаган ва Германия билан қўшни бўлган мамлакатларда Ғарбий Германия янги агрессия йўлидан бормайди деган ишонч туғдирган бўлур эди. Совет Ҳукумати Германия масаласини тинч йўл билан бартараф қилишни кечиктириб бўлмайдиган халқаро масала — энг биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала деб ҳисоблайди.

Бу масалани ниҳоят ҳал қилиш учун биз ҳамма куч-ғайратимизни сарфлай берамиз. Биз гитлерчилар Германиясига қарши курашдаги иттифоқчиларимиз билан биргаликда Германия масаласини ҳал қилиш йўлини топишга астойдил интилаберамиз. Шу билан бирга биз битишиб олиш негизида Ғарбий Берлин масаласининг ҳам бартараф этилишини кўзда тутамиз. Бироқ, ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузишга қаратилган ҳамма уринишларимиз муваффақият қозонмаса, у ҳолда Совет Иттифоқи шу нарсага тайёр турган бошқа давлатлар билан биргаликда Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномасини имзолайди, бундан келиб чиқадиган ҳамма оқибатларни кўзда тутади.

Совет таклифларининг тинчликсевар мақсадлари

Депутат ўртоқлар! Эҳтимол, совет гражданларининг бирон қисми ўртасида, шунингдек бошқа мамлакатлардаги дўстларимиз бўлган тинчлик тарафдорларида шундай савол туғилиши мумкин: совет Армиясининг янгидан кўп миқдорда қисқартирилиши бизга қарши турган ҳарбий гуруҳларнинг активлашиб кетишига ёрдам бермайдими? АҚШ Совет Иттифоқига нисбатан йирикроқ қуролли кучларга эга бўлиб қолади. Ҳозир ГФР нинг 9 та дивизияси бор, яқин келажакда бу дивизияларни 12 тага етказиш мўлжалланмоқда. Ёлғиз Европанинг ўзида НАТО ҳарбий қўмондонлиги ихтиёрида салкам 50 та дивизия бор. Бундан ташқари Шимолий Атлантик Иттифоқига аъзо бўлиб кирган Европадаги мамлакатлар ўз миллий қўмондонликларига бўйсунувчи 30 дан ортиқ дивизияга эгадирлар.

Шундай шароитда Совет Армиясининг қисқартирилиши мамлакатимизга, бизнинг мамлакатимизгагина эмас, балки тинчлик ишига ҳам хавф-хатар солиб қўймасмикин? Бундай қисқартириш Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши уруш бошлаш учун агрессив кучларни, коммунизм душманларини васвасага солмасмикин ва шу тариқа инсоният янги қонли уруш гирдобига тортиб қўйилмасмикин? Агар ғарбда кўп ишлатиладиган ибора билан айтсак, шундай қилиш билан Совет Иттифоқининг «тийиб турувчи кучи»га путур етмасмикин, ёки бу куч қўлдан бериб қўйилмасмикин?

Биз бу мулоҳазаларни роса ўйлаб кўрдик ва Ватанимиз мудофаа қуввати асло бўшаштириб қўйилмайди деб Олий Советга айта оламиз. Ҳозирги замон шароитида урушлар илгаригидақа бўлмаган ва бундан аввалги урушларга камдан-кам ўхшаган бўлур эди. Илгарилари давлатлар керак бўлиб қолган фурсатда солдатлар ва тўплардан жонли ғов вужудга келтириш учун армияларини ўз чегараларига яқин сақлашга интилардилар. Агарда бирон давлат бошқа давлатнинг чегарасига бостириб кирмоқчи бўлса, у чегарада турган ана шу қўшинларга ҳужум қилиши керак бўлар эди. Одатда уруш мана шу зайилда бошланар эди. Дастлабки кунларда жанглар урушаётган давлатларнинг чегараларида бўлар эди, қўшинлар ҳам ана шу жойга келтирилар эди.

Эндиликда эса башарти уруш бошланиб қолса, уруш ҳаракатлари бошқача тарзда авж олади, чунки давлатлар қуролларни неча минглаб километр жойларга етказиб бериш воситаларига эга бўладилар. Уруш аввало урушаётган мамлакатларнинг ичкарисида бошланади, шу билан бирга урушнинг дастлабки кунларидагина эмас, дастлабки дақиқаларида ҳам ҳужумга дучор бўлмаган биронта пойтахт, биронта йирик саноат ёки маъмурий марказ, биронта стратегик район қолмайди. Шундай қилиб, башарти уруш бошланадиган бўлса, у бошқача тарзда бошланади ва бошқача тарзда ривожланади.

Армиянинг сони камайтирилиши мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини тегишли даражада тутишга халақит бермайди. Биз аввалгидек мамлакатни мудофаа қилиш учун зарур бўлган ҳамма воситаларга эга бўламиз ва душман буни жуда яхши билади, башарти билмаса, биз уни огоҳлантириб, ошкора равишда бундай деймиз: биз қуролли кучлар сонини камайтириш билан, уларнинг ўт очиш қудратини камайтирмаймиз, аксинча, унинг сифатини бир неча баравар оширамиз.

Агар Ғарбдаги партнёрларимиз биздан ўрнак олишга рози бўлмасалар, уларнинг бу иши прогрессив кишиларнигина эмас, барча халқларни ҳам афсуслантиради. Агар ғарб давлатлари оёқни тираб туришда давом этаберсалар, бу билан улар ўзларининг агрессив ниятларини, бундан буён ҳам зўр бериб қуролланишга, янги урушга ҳозирлик кўришга интилаётганликларини кўрсатиб қўядилар, зўр бериб қуролланишга қаратилган сиёсатлари билан халқ оммаси олдида ўзларини тагин ҳам кўпроқ фош қилиб қўядилар.

Иқтисодий жиҳатдан олганда ҳам, бундай сиёсат капиталистик давлатларнинг бюджетларига оғир юк бўлиб тушади, солиқларнинг ортишига олиб келади.

Ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳақида ҳали битишиб олишга муваффақ бўлмаган эканмиз, биз мудофаа мақсадларига маълум миқдорда маблағлар сарфлашга мажбур бўламиз албатта, бироқ қуролли кучлар кам бўлгани учун бу харажатлар ҳам озаяди. Бундан ташқари мудофаа мақсадларига сарфланадиган ана шу маблағлардан самаралироқ фойдаланиладиган бўлади. Равшанки, бундай аҳвол бизнинг мамлакатимиз учун ютуқдир, бу аҳвол иқтисодий қудратимизни ўстиришга, турмуш даражасини ошириш, моддий неъматларни янада кўпайтириш, уй-жой қурилишини кучайтириш, иш кунини қисқартириш учун қўшимча имкониятлар вужудга келтиришга ёрдам беради. Натижада шундай бўлиб чиқадики, бизга қарши турган мамлакатларнинг ҳарбий гуруҳидаги катта армиялар беихтиёр бизнинг иттифоқчимиз бўлиб қолади, бу иттифоқчимиз бизнинг асосий вазифамизни — ҳамма соҳаларда — фанда ҳам, машиналар ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқаришда ҳам, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришда ҳам, инсоннинг эҳтиёжларини қондиришда ҳам энг тараққий этган капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетиш вазифасини ҳал қилишни енгиллаштиради.

Қуролсизланиш ҳақидаги таклифларимиз муносабати билан чет элларда хом чўт қилиб айтилаётган ва эҳтимол, СССР Қуролли Кучларини янгидан шу қадар кўп миқдорда камайтиришимиз муносабати билан нодўстларимиз зўр бериб тарқатадиган баъзи гапларга жавоб бериб қўймоқчиман.

Ғарб мамлакатларида кўпинча шундай деб ёзадиларки, гўё Совет Иттифоқининг қуролсизланишга интилаётганлигига сабаб биз СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планини амалга оширишда қандайдир қийинчиликларга дуч келаётган эмишмиз. Шундай гапларни атайлаб бориб етмоқдаларки, Совет Иттифоқи қуролсизланиш тўғрисидаги ўз таклифларини фақат етти йиллик планни бажариш учун маблағларни бўшатиб олиш мақсадидагина киритган эмиш. Бу гаплар Совет Иттифоқини ёмон кўрадиган кишиларнинг уйдирмаларидан бошқа нарса эмас. Агар Ғарбда бирон киши Совет Иттифоқининг экономикаси мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини таъминлаш учун зарур бўлган армияни сақлаш имкониятини бермайди деб ўйлаётган бўлса бу, шундай деб ўйлаётган кишиларнинг ўзига панд беради.

Мен боя айтиб ўтганимдек, мамлакатимиз экономикаси муваффақиятли ривожланмоқда ва шу қадар гуллаб-яшнамоқдаки, илгари ҳеч қачон бундай равнақ топмаган эди. Келажагимиз эса тагин ҳам яхши, чунки биз етти йилликнинг биринчи йилида планни бажарибгина қолмай, плондан ташқари кўп маҳсулот ҳам ишлаб чиқардик. Бинобарин, бизда ҳеч қандай қийинчиликлар йўқ, ва етти йиллик планни анча ортиғи билан бажариш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Шундай қилиб, етти йиллик планни бажаришдаги қийинчиликлар ҳақида айтилаётган мулоҳазалар асоссиздир.

Баъзи бировлар бизнинг қуролли кучларни қисқартириш ҳақидаги таклифларимизни фақат маблағларни иқтисод қилиш ва жамғарма тўплаш мақсадида қилинаётган иш деб баҳолашга уринишлари мумкин. Сиз биласизки, тежам масаласи ҳамиша актуал масаладир, ҳамиша зўр амалий аҳамиятга эга. Чиқимлар қанча кам бўлса, беунум харажатлар қанча камайтирилса, такрорий ишлаб чиқариш воситаларини қайтаришга, экономикани ривожлантиришга, шу тариқа маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳамда халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга шунчалик кўп маблағ сарф қилинади.

Совет Иттифоқи Қуролли Кучларини қисқартириш ҳақида ҳукумат томонидан Олий Совет муҳокамасига тақдим қилинган таклиф йилига тахминан 16—17 миллиард сўмни тежаб қолиш имкониятини беради. Халқимиз, мамлакатимиз бу тежамнинг таъсирини жуда яхши сезадиган бўлади. Бу тежам хўжалик планларимизни тўла ва ортиғи билан бажаришимизга катта мададдир. Беунум чиқимларни истесно қилиш, экономикани ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар қидириб топиш — бундай вазифа бизнинг олдимиздагина эмас, ҳар қандай давлат олдида ҳам ҳамиша кўндаланг бўлиб туради. Такрор айтаманки, бу масала ҳамиша актуал масала бўлиб, у доимо эътиборни ўзига қаттиқ жалб этади. Лекин мамлакатни мудофаа қилиш масаласи тежам маъносидаги ҳар қандай тушунчаларга сиғмаганидек, қиммат тушунчасига ҳам сиғмайди. Биз хасис эмасмиз ва кишиларимиз ҳаёти, мамлакатимизнинг ҳаёти таҳлика остида қоладиган бўлса, сўмнинг юзига қараб ўтирмаймиз.

Иқтисодий жиҳатдан ва бюджет соҳасида заиф бўлганлигимиз учун қуролли кучларни қисқартириш чорасини кўраётганимиз йўқ, балки кучларимиз ва қудратимиз ошиб кетганлигидан шундай чорани кўрмоқдамиз. Айни вақтда биз халқимизнинг тинчликсеварлик интилишларига амал қилиб шундай иш тутаяпмиз. Ҳар бир кишига шу нарса равшан бўлсинки, башарти армияни сақлашга харажатларни кўпайтиришни талаб қиладиган вазият вужудга келиб қоладиган бўлса, у ҳолда бизнинг бюджетимиз ва экономикамиз Ватанимизнинг ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш учун яна бир эмас, неча ўн миллиард сўмлаб маблағ сарфлаш имкониятини берган бўлур эди. Башарти мамлакат бевосита ҳужум хавфи остида қолса, биз қуролли кучларни ҳозирги составда сақлабгина қолмай, балки уларнинг сонини тагин анча кўпайтирган бўлар эдик. Бизнинг бюджетимиз, бизнинг экономикамиз шундай қилишга йўл берган бўлур эди ва айни вақтда биз етти йиллик планни бажариш учун капитал маблағлар билан тўла-тўкис таъминланган ҳам бўлур эдик.

Ҳозирги вақтда қуролли кучларимизни қисқартиришни таклиф этиш билан биз нимага асосланмоқдамиз? Биз илғор дунёқарашимизга хос бўлган ва бутун социалистик жамиятимиз ҳаётининг томир-томирига сингиб кетган юксак инсонпарварлик идеалларга асосланмоқдамиз. Биз бу масалага зўравонлик позициясидан эмас, балки ақл-идрок позициясидан ёндошмоқдамиз.

Биз қуролли кучларимизни шунинг учун қисқартирмоқдамизки, урушни хоҳламаймиз, бирон бир давлатга ҳужум қилишга тайёрланаётганимиз йўқ, ҳеч кимга таҳдид солмоқчи эмасмиз ва ҳеч қандай босқинчилик мақсадларимиз йўқ. Ўз мамлакатидан жуда узоқларда қурилган ҳарбий базалар каби ҳаддан ташқари сони кўпайтириб юборилган армиялар ҳам ҳужум қилишга мўлжалланган, мудофаа учун уларнинг кераги йўқ. Қуролли кучлар сонини камайтирар эканмиз, биз бу ишимиз билан мамлакатимизнинг мақсадлари агрессив эмаслигини, балки энг тинч мақсадлар эканлигини намойиш қиламиз. Ахир, бошқа мамлакатга ёки мамлакатлар группасига ҳужум қилиш режасини тузаётган ҳар қандай мамлакат ўз қуролли кучларини ўзи бир ёқлама қисқартирмайди, чунки ҳужум қилиш учун мамлакатнинг ўз ўт очиш қувватидан, шу жумладан ядро қуроли ва ракета техникасидан фойдаланишигина керак бўлмай, айни вақтда армиясининг сонини кўпайтириши ҳам талаб қилинган бўлур эди.

Депутат ўртоқлар! Биз ҳозир катта тарихий аҳамиятга эга бўлган масалани — қуролли кучларни қисқартириш масаласини ҳал қилмоқдамиз ва шу тариқа халқаро кескинликни янада юмшатишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга йўл очиб бермоқдамиз. Бу воқеа барча мамлакатлар халқларининг кўнглига ёқади. Ҳатто «совуқ уруш»нинг энг ашаддий тарафдорлари ҳам бу тадбир урушга тайёргарлик кўриш мақсадида амалга ошириляпти деб исботлай олмайдилар.

Бизнинг халқимиз, Коммунистик партия совет халқи манфаатларига, марксизм-ленинизмнинг улуғ идеалларига садоқат билан хизмат қилиб келган ва хизмат қилаётган солдатларга, матросларга, сержантларга, офицерларга, генералларга, адмираллар ва маршалларга чексиз ҳурмати ва меҳр-муҳаббатини изҳор қилади. Халқимизнинг гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушида Ватанимиз эркинлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган курашда қон тўккан, ўз ҳаётини қурбон қилган шавкатли ўғил-қизларининг шуҳрати мангу яшайверади. Совет кишилари душманнинг ҳужумини қаҳрамонона дафъ этган ва совет халқининг тинч меҳнатини қўриқлаб, ўз Ватанининг қудратини мустаҳкамлашга кучини аямаган ва аямаётган кишилардан бениҳоя миннатдордир.

Совет кишилари қуролли кучларни янада қисқартириш юзасидан кўрилаётган тадбирларни зўр мамнуният билан кутиб оладилар, бунинг натижасида ҳарбий хизматда бўлган ўртоқларнинг талайгина қисми корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, илмий муассасалар ва ўқув юртларида ишлашга қайтади.

(Охири бешинчи бетда).